

84  
D-94

Аустлар овози

www.ziyouz.com kutubxonasi

171  
D-34.




# Ўстлар овози

ЎЗБЕК ИСТИҚ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
КУТУБХОНАСИ  
015012



✓

ЎЗДАВНАШР ТОШКЕНТ 1951



*На узбекском языке*

КОЛЛЕКТИВ  
ГОЛОС ДРУЗЕЙ

*Госиздат УзССР — 1951 — Ташкент*

Редактор *Т. Фаттоҳ*  
Рассом *Б. Жуков*  
Техред *Я. Пинхасов*  
Корректор *Ҳ. Ҳусанова*

\* \* \*

Босишга рухсат этилди 2/VIII 1951. Р 06043.  
Қоғоз формати 70×108/32—1,688 қоғоз листи  
— 4,623 босма листи. Учет. нагр. листи 3.8.  
Индекс: в/а Договор №507—1950. Тиражи 5000.  
Баҳоси 3 с. Муқоваси 2 с.

\* \* \*

ЎзССР МС ҳузуридаги Ўзбекполиграфнашр-  
нинг 1-нчи босмаҳонаси. Тошкент. Ҳамза кўчаси,  
33. Заказ № 860.



Людас Гира

(1886— 946)

\*

Л Е С

Шу тўрт ҳарф, ҳа, фақат шу тўрт ҳарфгина  
Алифбега берди янгича мазмун.  
Нурли йўл очилди литвалиларга,  
Озодлик, истиқбол ёр бўлди бугун.

Эй порлоқ ҳаётнинг ол байроқлари,  
Юксак ҳилпирайсиз, сўнмайсиз ҳеч он.  
Литва осмонида эрк чироғлари —  
Ёруғ юлдузлар ҳам мангу чарогон.

Энди озод бўлдинг, жонажон Литвам,  
Узоқ кутган бахтинг сенга ёр бўлди,  
Совет қардошларга қўшилдинг сен ҳам,  
Кремль юлдузи мададкор бўлди.

Шу тўрт ҳарф, ҳа, фақат шу тўрт ҳарфгина  
Алифбега берди янгича мазмун.  
Улар худди ёруғ юлдузлар каби  
Бизни олға томон бошлайди тун-кун.

## ОЗОД ВИЛЬНЮС

Қадим Вильнюс, улуғвор шаҳар,  
Қуллик азобидан қутилдинг.  
Ёшартирди бизларни зафар,  
Сен Литвани шарафли қилдинг!

Литвага эрк! – деди Сталин,  
Озод, бахтли халқнинг ватани,  
Озод, бахтли гўзал мамлакат,  
Сенда яшар ҳаёт чамани!

1944 йил.

### БЕРЛИНГА ЭЛТАДИГАН ЙЎЛ

Қадим Литва еридан  
Қўшинлар ўтиб борар,  
Қишлоқларни тўлдириб.  
Дар'ёлар кечиб борар.

Баграмян, Черняховский  
Бошлаб борар илгари,  
Тинч бўлсин, кўкарсин деб  
Литванинг далалари.

Улар ўтган ерларда  
Немис „халт!“ деёлмайди,  
У ерларда олмалар  
Қип-қизармай қолмайди.

Танк учар, пиёдалар  
Сон-саноқсиз ўтади.  
Уларни муйилишда  
Қувноқ қизлар кутади.

Қўлида—бир даста гул,  
Силкийди ўғлонларга.  
Олисми йўл, йигитлар —  
Қачон етар Берлинга?

Шарқий Пруссияга —  
Чиқдилар, Неман ортда.  
Шошмай тургил, Берлинга  
Биз етамиз албатта!

Ногаҳоний зарбадан  
Душман гаранг, қочади.  
Қадамини тезлатиб,  
Мардлар Фарбга чопади!

1945 йил.

## Адомас Ластас

(1887 йилда туғилган)

\*

### В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

Зулматни енгган сўздан бу маҳал  
Биз доҳига тиклаймиз ҳайкал,  
Бу сўз курашлардан олган тоб:  
Халқ ғазаб ва туғ'ёнлардан,  
Зафар қучган қўзғолонлардан  
Шу қуйма сўз қилади хитоб:  
Худди кўзи кўр бўлган ҳайвон —  
Зулм дун'еси бўлади яксон,  
Шу қутурган, бегона жаҳон,  
Ўз суягин ғажигансимон.

Худди мәрмар каби метин, соз  
Халқ орзусин этади аён —  
Нон, бахт учун курашларини  
Куйларида қилади баён.  
Биз у куйдан халқ мәрдлигини,  
Шону шарафини тинглаймиз,  
Барҳаётлик олдида ўлим  
Ожиз эканини англаймиз.

Душман бизга ёғдирди ажал,  
Аммо жангчи голиб ҳар маҳал,  
Қадамидан зафар унади.  
Уни доим Ленин йўлларди!  
Ҳақиқатнинг шарафи, замон —  
Асрлардан ўтади омон.

Ленин бизга жонажон, яқин,  
Бошлар барча ўлкалар халқин —  
Ғалабанинг гулшанларига.  
Мен олисдан кўраман равшан —  
Унинг қўли чўзилмиш баланд  
Коммунизм чаманларига!

*1949 йил.*



*Петрас Вайчюнас*

*(1890 йилда туғилган)*

\*

### **БОШЛАЙ БЕРГИЛ САОДАТ ТОМОН**

Баҳор каби яшна, Литва жонажон,  
Советлар юртида гулла, топ камол,  
Жангларда дадил бўл, ғалаба қозон,  
Сеники — ҳур ҳаёт, нузли истиқбол.  
Қардош онлада халқлар топди шон.  
Зафар, эрк йўлида улар қадрдон.

Эй Неман диёри, шарафли ўлкам,  
Зулму кулфатлардан бўлгансан озод,  
Қуёш томон боргил мардона, кўркам,  
Вильнюс — ифтиҳоринг, муҳташам, обод.  
Ленин иқбол сари, йўл очди бизга,  
Сталин шу йўлда нур сочи бизга.

Жангларда чиниқдинг Болтика қизи,  
Энди ортда қолди азобли замон,  
Қувон, кулиб боқди толе' юлдузи,  
Меҳнат қил, бошлагил халқни бахт томон.  
Литвани улуғланг, эрк ўғлонлари,  
Курашинг, эй ватан қаҳрамонлари!

*1946 йил.*

## Винцас Миколайтис-Путинас

(1893 йилда туғилган)

\*

### УНИНГ НОМИ

(Ўртоқ Сталин туғилган куннинг 70 йиллигига)

Бу ном салобатда улуғ, ягона,  
Худди металл каби жаранглар, янграр,  
У шу'ла сочади худди дурдона,  
Жангга бошлаганда зафар муқаррар.

У зулмат қўйнида ғазабга тўлиб,  
Тоғ бургути блан бориб ёнма-ён,  
Тундра кечаси бағрини ёриб,  
Интилди истиқбол-офтоб томон.

У таслим бўлмади, йўқ! — ёзди қанот,  
Ўз халқининг буюк, асл фарзанди  
Келажак номи-ла қилди қасам'ёд,  
Зулм дун'ёсини енггаман, деди.

Ҳали тонг отмасдан, ҳали офтоб  
Шу буюк инсонга сочмасидан нур,  
Бу мумтоз халоскор ташлади хитоб,  
Зулматда халқларга нур сочди мағрур.

Пўлат оловларда тобланур, у ҳам  
Қалбларни тоблади, берди эрк-нажот.  
Унинг мангу ўлмас шарафи кўркам,  
Унинг илҳоми-ла яшарар ҳаёт.

Буюк ҳақиқатнинг байроғин тутиб,  
Бутун дун'ё халқи борур биз блан.  
Нурли истиқболга бошлар у дадил,  
Коммунизм йўли у блан равшан.

Бу ном салобатда улуғ, ягона,  
Бизни келажакка бошлайди мудом.  
Инсон ва Доҳининг номи мардона,  
Қуёшдек абадий порлайди бу ном!

*1949 йил.*

*Бутку Юзе*

*(1893—1947)*

\*

**ГАЛАБА ТАРОНАСИ**

Неман тўлқинлари, неча замондир  
Уйнайди, яйрайди, қулоч отади,  
Уша тўлқинлардек куй ҳам равондир,  
У эрка йўл очиб, тетик этади.

Литвали яшади, ишониб қалби,  
Нурли келажакка термулди кўзи.  
Қўшиқда очилди унинг матлаби,  
Эрк таронасини куйлади ўзи.

Уруш бўронлари орқада қолди,  
Галаба қўшиғи янграр умрбод.  
Бахтимиз қуёши порлаб юксалди,  
Советлар Литваси, сен мангу озод!

*1945 йил.*

## Соломея Нерис

(1904—1945)

\*

### МОСКВА

Боқаман — кўзимдан тўхтамас ёшим!  
Биргамиз, сен блан яшайман, омон!  
Жангларда шиддатли, сокин қуёшим,  
Москва, салобат шаҳри, жонажон!

Минг йиллик хусн-ла порлар Кремль,  
Сталин сўзлари янграйди равон!..  
Ёвга сўнгги зарбни беравер дадил,  
Москва, мардларнинг шаҳри, қаҳрамон!

Саодат яқиндир, ишончим комил,  
Юртимда одамлар эркин тин олур.  
Москва, бахт ва эрк топура сендан эл!  
Баҳор қўшиқлари сендан тарқалур!

Сен мени қизим деб, силадинг бошим,  
Буюк ҳуқуқларни бердинг сен менга,  
Москва, умрбод нурли қуёшим,  
Сўнмас шу'ла сочдинг бутун оламга!

1942 йил.

*Антанас Венцлова*

\*

**ТҮНГИЧ**

Тўнғич ўғлин қучиб бахтиёр она  
Очиқ деразадан қарар боқчага.  
Кўмкўк полизларда олтин сувидай,  
Қуёшнинг илк нури жилоланарди.

Ўғил кун нуридан чимириб қошин,  
Кўкка, дарахтларга боқди ҳайратда,  
Толпинди: ажойиб, қипқизил коптов  
Зангор уфқ бўйлаб сузар, ёнарди.

Сен мамнунсан, шодсан, бахтиёр она,  
Буюк ишлар учун туғилди ўғлинг.  
Жасур, меҳнатсевар авлод сафига,  
Ижод дун'ёсига бу сендан тортиқ.

Довюрак лочинлар кутади осмон,  
Шаҳарлар қурмоққа ме'морлар керак,  
Моҳир тракторчи, кутар далалар,  
Қўрқмас денгизчилар, кутади Болтиқ.

Жажжи қўли блан этагинг тутиб  
Атак-чечак қилар олмазор ора.  
Шунда кўз ўнгингда бўлар намоён  
Ўғлингнинг навқирон йигитлик чоғи...

Ана, у майдонда, қувонч-ла борар  
Сталин байрогин тутган сафларга.  
Бунда ҳамма унга ҳамнафас, ўртоқ,  
Аммо сен — энг яқин, азиз ўртоғи.

Ҳозир сайроқ қушлар уни аллалаб,  
Она этагида аста ухлатди.  
Шу дам билмай қолди меҳрибон она, —  
Қалби сескандими, ёки боласи:

Қўргошиндай қўнғир океан ортидан  
Суяк панжаларин чўзади ўлим,  
Кўмкўк полизларга, зумрад баргларга,  
Жажжи қўғирчоққа тушар сояси.


Қувла ваҳимани кўнглингдан, она,  
Ботир курашчи бўл! Қайда бўлсанг ҳам —  
Мақтаб синфидами, конда, яйловда.  
Бугдойзор қирларда, ёки дастгоҳда.

Ғайратинг ва ҳалол меҳнатинг блан  
Ватан қудратига яна қудрат қўш,  
Миллионлаб оналар сингари қўзғол,  
Фарзандлар тақдирин бахтдай ардоқла.

Бизни уруш блан қўрқитаолмас  
Қутурган жаллоднинг қонли панжаси,  
Биз бу номард қўлни қирқиб ташлаймиз.  
Адолат қуёши қилар таңтана!

Жанглар қаҳрамони — тинчлик солдати,  
Мағрур қадам ташлаб ер узра юрар.  
Бу солдат — халқлардир, эллар, миллионлар,  
Сен ҳам ўғлинг блан сафга тур, она!

1950 йил.



Ўстлар овози



*Антанас Венцлова*

\*

**ТИНЧЛИК УЧУН**

Доҳининг шарафи — байрам шарафи —  
Қўлда гулдасталар, байроқлар.  
Қувноқ авлодларнинг тебранмас сафи,  
Ёмғур ювиб ўтган япроқлар,  
Кўмкўк кўчаларнинг икки тарафи.

Ана ме'мор йигит, ана агроном,  
Бунда ҳарбир сафдош — юртга ифтихор,  
Ҳар бирин биламан номма-ном.  
Мана тракторчи, мана сан'аткор,  
Биз бир оиламиз, хулласи калом.

Булар кўпни кўрган шонли жангчилар,  
Булар халқимизнинг ҳусни, сараси.  
Булар партизанлар, ёвқир танкчилар,  
Бутун Европани тутган на'раси,  
Элларга озодлик келтирган шулар.

Жанговар кунларни эслайлик ҳозир:  
Бу сафларнинг шаҳдам қадамида  
Берлин жангларининг шиддати бордир,  
Шу сафдадир рейхстаг томига  
Қизил байроғимиз тиккан баҳодир.

Меҳнат ижод бўлган бизнинг қўлларда,  
Биз буғдой экамиз, домна қурамиз,  
Боғлар яратамиз чўлларда,  
Ватан учун қоядай турамиз,  
Буни исбот этдик оғир йилларда.

Табиат кучига бўлдик ҳукмрон,  
Коллектив қудрати мислсиз, тенгсиз;  
Яқинлашаолмас гармсел, бўрон,  
Колхоз буғдойзори чексиз бир денгиз,  
Қақраган ерларга сув оқар равон.

Нурдай кириб келди уйимизга сим,  
Мангудир серқуёш баҳор кунлари.  
Сен жондан азизсан муқаддас юртим!  
Оламда ватанин бизнинг сингари  
Фарзанд севгиси-ла севабилар ким?

...Байрамни қутлайди, чарақлайди кун,  
Байрам шу ласидан уфқлар алвон.  
Қўлда гулдасталар, чеҳралар гулгун,  
Тиниқ денгиз каби ложивард осмон,  
Узоқ ёт ерлардан ўқталиб, бизни  
Қўрқитаолмайди ҳечким, ҳечқачон!

Тинчлик енгар! — Ғўдақларимизни  
Кўксимизга босиб ичганмиз қасам.  
Биз севимли, азиз фарзандларга  
Вайроналар мерос қолдиргимиз йўқ,

Мерос бўлур гулзор, китоб уларга,  
Мерос бўлур ҳаёт – бахтиёр ва тўқ.

Бирор қонхўр, бирор виждонсиз  
Меҳнат ўлкасига босолмас қадам.  
Тинчлик енгар! — бизнинг иродамиз  
Сталин иродаси каби мустаҳкам.

*1950 йил.*

## Ионас Шимкус

\*

### БАХТ

Ватан, сенинг хуснинг шаҳар-қишлоқларда,  
Бугун келинчакдай чеҳранг нурланган;  
Қалбдан чиққан азиз қўшиқларда  
Меҳринг меҳримизга келиб уланган.

Ижодий қудрати мавж урган чоғда  
Халқларнинг дўстона зўр иттифоқи,  
Сталин боғбон бўлган бу боғда  
Дуркун баҳор фасли гўзал ва боқи.

Дар'ёлар куйлади, тоғлар ва ўрмон,  
Ҳар хонада шодлик, ниҳояси йўқ,  
Саодат ҳақида, севимли, қадрдон  
Сталин ҳақида янграйди қўшиқ.

Ҳар бир янги куртак, ҳар орзу ҳавас  
Унинг меҳри блан топади ривож.  
Унинг қалб уришин сезиб ҳарнафас  
Юртим истиқболга очади қулоч.

У конда, заводда, колхозда юрар,  
Улуғ юртимизнинг ҳар ерида бор.  
Бепоеън Ватанни бутун кўриб турар.  
Ҳар юракда номи - азиз, улуғвор.

Жангчимиз жаңгларга отланганида,  
Ўтли бўронларга отганда ўзин,  
Улуғ Сталинни кўрди ёнида,  
Қалбида сақлади ғалаба сўзин.

Меҳнат қучоғига қайтди у ғолиб,  
У машина қуради, яратар шаҳар.  
Яна ижод қилар, эркин нафас олиб,  
Чунки Сталин бор, муҳтарам падар.

Қирлар тўлқинланар олтин денгиздай,  
Ноз-не'мат блан тўлар дастурхон.  
Колхозда бошланса тўкин тўй кузда,  
Гўё тўрда доҳи Сталин меҳмон.

Нақадар юксакдир, Ватан, толе'инг,  
Бугун келинчакдай юзларингда нур,  
Бу бизнинг бахтимиз, бу буюк Сталин,  
Коммунизм сари борамиз мағрур!

1949 йил.

*Валерия Бальсунене*

\*

**ЛЕНИН — СТАЛИН ПАРТИЯСИ**

Икки буюк донишманднинг идрокила яралган,  
Ҳақсиз, қашшоқ инсонларни бахтга бошлаб боролган,  
Ўз илҳомбахш ғоясининг қудратила донг олган  
Ленин — Сталин партияси!

Сен эмасми бу халқларга бургут қанот боғлаган,  
Кишанларни чилпарчинлаб, зўр курашга бошлаган,  
Қуёш бўлиб ҳақиқатнинг юзин очиб ташлаган, —  
Ленин — Сталин партияси!

Ше'риятнинг тили бурро сенинг илҳоминг блан,  
Бахтли ҳаёт қурмоқдамиз муқаддас номинг блан,  
Меҳнаткаш халқ ғамхўрисан юрагинг; жонинг блан,  
Ленин — Сталин партияси!

Кечаги дашт-саҳроларга тиниқ сув оқди равон,  
Олтин башоқ буғдойзорлар денгиз каби бепоён,  
Сен меҳрибон она каби олға бошлайсан ҳамон,  
Ленин — Сталин партияси!

Сен жонажон Литвамизнинг буюк нажоткорисан,  
Неман бўйи ўлкасининг бахт ижодкорисан,  
Сен кишилиқ дун'ёсининг мангулик баҳорисан,  
Ленин — Сталин партияси!

Сенинг номинг, зафарларинг — бизнинг ифтихоримиз,  
Биз дун'ёда бор халқларнинг энг бахтиёримиз,  
Сен халқларнинг юрагисан, бор бўл, мададкоримиз,  
Ленин — Сталин партияси!

### **БИНОКОР**

Деҳқонмисан, ёки дурадгорми,  
Олимпмисан, ё собиқ солдат, —  
Обод қилгин шу чаманзорни  
Катта боғда ўстир бир кўчат.

Сенга тикилади кўзлар дун'ёда,  
Қалбинг ижод блан жўш урсин.  
Шу улуғвор гўзал бинога  
Оз бўлса ҳам ҳиссанг қўшилсин.

Тома-тома бўлади дар'ё,  
Дар'ёки, қудрати беқиёс.  
Ғиштлардан тиклаймиз зўр бино  
Қалбларда ягона эҳтирос.

Куйлайман ше'римда халқ ҳиссасин,  
Ҳар бир сатрим бўлсин шиддаткор.  
Истайман: ше'рларим тош кессин  
Халқимга бўлолсин мададкор.

Собиқ деҳқон қизи, жафокаш она,  
Бахтни қўшиқда куйлардинг фақат,  
Ҳаётинда эса, шодлик бегона,  
Сенинг бошингдайди ҳар жабру кулфат.

Батрак эдинг, юпун — ялангоёқ,  
Бойнинг подасини қирга ҳайдардинг,  
Қаддинг ёйдай бўлиб ёшлигингдаёқ,  
Йиглар эдинг сизмай юракка дардинг.

Бугун оналарнинг мадҳин бошласам.  
Сўз топаолмайман, босар ҳаяжон.  
Ўз ерингда мағрур ташлайсан қадам,  
Юртинг ғамидасан, ёшсан, онажон.

Мана сен минбарда бурро ва дадил  
Уч йиллик планни қиласан баён.  
Оддий колхозчисан, камтар, соддадил,  
Аммо фикрларинг доно ва равон.

Жонажон ватанда шон-шуҳрат топдинг,  
Сен улуғ ишларга қодирсан, она.  
Колхоз рўзгорининг жонкуярлари —  
Сендай миллионларнинг фикри ягона.

Бу му'табар обрў, қудрат, жур'атни,  
Шонли партиямиз бахш этди сенга.  
Меҳнатинг ва номинг азиз, ҳурматли,  
Ҳамма ҳавас блан қарар ишингга.

Меҳнат қаҳрамони — юксак унвонинг,  
Ватан меҳнатингни шундай шарафлар  
Халқнинг фарзандисан, халқ — меҳрибонинг,  
Юлдуз кўкрагингда кундай чарақлар.



Туғишган, жонажон Совет юртида  
Шуҳратли исмингни билмаган ким бор?  
Айтинг, бу дун'енинг қайси бурчида  
Ҳаёт шундай бахтли, шундай ма'нодор?!

*1940 йил.*

*Костас Корсокас.*

\*

### **СОВЕТ ЛИТВАСИ**

Ўн еттинчи, шиддатли йил — сенинг туғилган йилинг,  
Шу'ла сочди юзларингга инқилоб тонготари,  
Улуғ Ленин ғалабага йўл кўрсатди бизларга.  
Ҳали-ҳали кўз ўнгимда у йиллар, шонли элим,  
Қурол тутган ишчиларнинг пўлат каби қатори  
Мисли ўчмас умид ўти ёнар эди кўзларда.

Литва халқи, курашларда тик қарадинг ўлимга,  
Азиз эди озодлигинг, шонли совет байроғи,  
Яқин эди, кутар эдик ғалаба айёмини...  
Аммо маш'ум душманларинг чуқур қазди йўлингга,  
Қонга ғарқ этилганларнинг йўқдир сон-саноғи.  
Яна қора булут босди Литванинг осмонини.

Аммо, Литва, халқ қалбида озод бўлиб яшадинг,  
Ҳар ҳужрада ҳар заҳматкаш ўстирди қудратингни,  
Ҳақ сўзила ишчиларни чорладинг курашларга,  
Иғволарни писанд қилмай, мағрур қадам ташладинг,  
Кўрдинг „ўртоқ“ деган сўзда келажак шуҳратингни,  
Бахт йўлида бардош бердинг тўфону оташларга.

Оғир қуллик кишанини улоқтириб ташладинг,  
Хаёл бўлиб кўринган кунлар келди ниҳоят.  
Юзларингга нур сочилди ғалаба қуёшидан,  
Мангулик бахт қучоғида баҳор бўлиб яшнадинг.  
Қўшигингга мазмун бўлди қувонч блан саодат,  
Жангдан келган фарзандингнинг гул ёғилди бошидан.

Сен қўшилдинг қардош халқлар дўстлик оиласига,  
Гувлаб юрди заводларинг, далаларинг чайқалди,  
Сени ёруғ, бахт йўлидан бошлаб борди Сталин!  
Газандалар қасд қилганда яна бахт ўлкасига  
Қардошлар-ла бир ёқадан бош чиқардинг, қўзғолдинг.  
Бирлик блан пуч қилолдик ёвнинг ёвуз истагин.

Биз жангларда ғолиб чиқдик. Ўлкам, сен яна озод,  
Яна минг бор қудратлисан, севимлисан, ҳусндор.  
Сур'ат блан даволадинг уруш жароҳатини.  
Порлоқ иқбол тўғрисида қўшиқ айтар ёш авлод.  
Кутар баҳор ёмғурини чексиз, бўлиқ экинзор,  
Меҳнатида ишчи топди ҳаётнинг роҳатини.

Энди сени қўрқитолмас янги уруш иғвоси,  
Яшна, азиз совет эли, муқаддас тупроғимиз.  
Йўлинг тўғри! Қудратинг зўр, ҳаётимиз нап'али:  
Ишончимиз Кремльдир — буюк тинчлик қал'аси,  
Унда мағрур ҳилпирайди енгилмас байроғимиз,  
Унда ёнар, мангу ўчмас коммунизм маш'али!

1950 йил.

*Витаутас Сириос Гира*

\*

**СТАЛИН СЎЗИ**

Чет элларда эртасидан умидсиз,  
Қўрқув ичра қалтираса одамлар,  
Биз тақдирга ишонч блан боқамиз,  
Москвамиз жаҳонга берар хабар:

Минбарда Сталин, Сталин сўзлар!  
Рупорга тикилар миллионлаб кўзлар,  
Унинг нутқи қалбга қанот ва илҳом,  
Янги зафарларга ундайди мудом.

Янги умид блан порлайди юзлар,  
Ҳаяжонда кутар юрт, кўча, майдон.  
Мана сўз бошлади улуғ донишманд,  
Ҳар сўз аниқ, ёрқин, оғир ва равон,  
Ҳар сўз меҳр ўтидай қалбларга пайванд.

Биз дарҳол англаймиз: халқларнинг нега  
Ўлимга тик қараб жангга кирганин,  
Омон бермай Ватан душманига,  
Ерда ҳам, кўкда ҳам қўймай қирганин.

Сталин — қалбимиз, толе', идрокимиз,  
Халқларнинг даҳоси унда мужассам.  
Кимки олға юрса дадил, қўрқувсиз  
Сталиндир унга ҳамроҳ ва ҳамдам.

Унинг сўзларида қардош халқларнинг  
Забардаст қадамин янграйди зарби,  
Уни тинглаганда биз солдатларнинг  
Завқ, жасорат блан тўлади қалби.

### **ЧЕРНЯХОВСКИЙ МАЙДОНИДА**

Бу мрамар тош унинг мангу хотираси,  
Биз уни ёдлаймиз мунгланиб ҳарчоқ...  
Аммо ўраб олиб атроф — теграсин  
Болалар ўйнайди беташвиш, қувноқ.

Уфқ шу'лаланар қуёш ботганда,  
Мрамарга шафақдан томади зарҳал...  
Дун'ёда қувончлар чечак отганда  
Нега Сиз кетдингиз биздан бемаҳал?

Шунда қулоқ солсам тинчликка бир зум:  
Гўё тош жаранглаб чиқарди товуш:  
„Шунинг-чун мен ҳалок бўлдим, азизим,  
Болалар ўйнасин тинч ва беташвиш“.

*1946 йил*

Стасис Заянчкаускас

\*

### ҚЎШЧИ ОҒАМГА

Швентоя қирғоғида ўрмон шивирлар аста:  
„Душман энди ерингга қадам босолмас, Литва!“  
Пичирлаб қарағайга шамоллар баён этар:  
„Энди Неман бўйига қайтмайди золим панлар!“  
Қўшчи, ерингни энди мардонавор ҳайдайбер,  
Эй, тинч меҳнат завқини қалбидан соғинган эр!

Меҳнаткашдир, чевардир Литванинг ўғил-қизи,  
Далалар сийнасида кўмкўк баҳор денгизи.  
Ғир-ғир эсар тонг ели. Сен ҳам далада бедор,  
Тўқ башоқлар етилсин, яшнасин деб буғдойзор! —  
Қўшчи, ерингни шундай мардонавор ҳайдайбер,  
Эй, тинч меҳнат завқини қалбидан соғинган эр!

Мана, яна осмонда қанот қоқмоқда қушлар,  
Кенг далада жаранглар шодиёна қўшиқлар,  
Захчалар ҳам изингдан қанот қоқсин — сакрасин,  
Плугингнинг тишини кун нури ялтиратсин.  
Қўшчи, ерингни шундай мардонавор ҳайдайбер,  
Эй, тинч меҳнат завқини қалбидан соғинган эр!

Ўлкамизда мавж урар, қўшчи, бахтнинг булоғи,  
Еримизни топтолмас душманларнинг туёғи.  
Плугингни сур, қўшчи, қадамнинг ташла бардам,  
Баҳор ва бахт толи' сен блан мангу ҳамдам.  
Қўшчи, ерингни шундай мардонавор ҳайдайбер,  
Литва тинч меҳнат завқин қалбидан соғингандир!

*1945 йил.*

*Альбинас Жукаускас*

\*

**ҒАЛАБА ҚҰШИҒИ**

Болтиқ денгизи бүйлаб тўплар сўнг бор янгради,  
Босилди алангалар, вайроналардан тутун.  
Фақат қолган бинолар кемалардай туради,  
Ҳамма нарса бузилган ва қориган бус-бутун.

Ёнар душман танклари ғовлар ортида қатор,  
Асрларни ҳайдаб ўтар. Тинган гулдирос — бари.  
Смилтина<sup>1</sup> томондан янграр эди улугвор  
Совет солдатларининг ғалаба қўшиқлари.

Бу қўшиқлар юксалиб ёзар эди кенг қанот,  
Тўлқинлар ҳам ҳайқирар акси-садо бергандай.  
Бу куйлардан англадик: гўзал, Литва, сен озод! —  
Болтиқ бўйида эркин, юксал пўлат қўрғондай!

Бугун шунга байрам, хурсандлик онлар,  
Вайрона ўрнида юксак бинолар.

---

<sup>1</sup> Клайпеда ёнидаги курорт.



Денгиз шовқин солар, нурларга тўлиқ,  
Тўлқинида ўша улуғвор қўшиқ:  
Солдат юрагидай кескин ва бақувват,  
Қувноқ меҳнат куйи жаранглар ҳар вақт!

1948 йил.

### ЯНГИ ҚИШЛОҚ

Она қишлоқ, баҳордай гўзал  
Ғам гардидан бўлибсан тоза.  
Осмонинг соф, ҳаво беғубор,  
Ҳамма нарсанг биллур-покиза.

Ҳамма тенгдир, далалар ҳам кенг,  
Озод меҳнат завқига монанд.  
Қувноқ шамол кезар далада,  
Деҳқонларнинг чеҳраси хурсанд.

Соҳилларда ўйнар оқ туман —  
Хўроз уч бор қичқирмасдан-оқ!  
Тонг юдузи нури остида  
Ер ҳайдайди қўшчилар қувноқ.

Мўрилардан бурқсиган тутун  
Кенг ҳавода учиб ўйнайди.  
Қуёш чиқар, — кечиккандир у, —  
Ҳамма ёқда одам қайнайди.

Бу одамлар тамом бошқача,  
Ишда толмас, мағрур ва қувноқ.  
Ўтмиш доғи битиб боради  
Ўсган сайин бу янги қишлоқ!

1949 йил.

*Алексис Хургинас*

\*

**ЯНГИ УЙ**

Томларни савар аста  
Майда-майда ёмғурлар.  
Қатор-қатор саф тортиб,  
Турар чиройли уйлар.

Оппоқ, момик булутлар  
Қуршаб юрар уларни.  
Қаранг, қатор, чиройли  
Ёп-ёруғ ойналари!

Болалар бундан боқар  
Кўмкўк, гўзал далага;  
Тўлиб, пишқириб оққан  
Тез оқар Вильнялага.

Бу уйни қурган уста.  
Кўрар шодан юзларни;  
Ойналардан қарашган  
Қувноқ кўмкўк кўзларни.

Оппоқ сочли, буғдойранг  
Узун бўйлик бу уста  
Болаларни кўрганда  
Деяр эди оҳиста:

— „Сиз, болалар, чироглар  
Энг бахтиёр авлодсиз.  
Туғилдингиз энг яхши  
Бир даврда — тинч, шодсиз!

Биз курашдик совуқда,—  
Тюрьмалар, зиндонларда;  
Сизни яшасин деб беғам  
Боғлар, ёруғ залларда.

Китоблар ўқисин деб,  
Тўйгунича есин деб,  
Мана шундай уйларда  
Ўйнаб-кулиб ўссин деб!

Ғишт устига ғишт тердик  
Маҳкамлаб битта-битта.  
Сизлар ўсинг деб иноқ  
Озодликда — кенгликда.“

### **ЛИТВА**

Ўрмонлар, далалар, яшил увалар,  
Шафақ ёлқинидан баргларда жилва,  
Карвон тизимидай саф тортган уйлар...  
Бу сенсан жонажон, қадрдон Литва!

Самбит гуллар порлар — худди байроқлар,  
Тоғларнинг этаги, ям-яшил чаман.

Бунчалик чиройли гуллар, япроқлар,  
Ҳеч қайда кўрмадим бу хил гуллар ман.

Оппоқ гул-тўлқинда кумуш олчазор,  
Бахмал тўшагандай майса — қир, ува.  
Невежис оқади жўшқин, жилвадор,  
Бу сенсан, жонажон қадрдон Литва!

Ўлкам, сер ёмғир ва соф қучоғингда  
Мени улғайтирдинг, э она диёр.  
Мен шодман ўз бахтим, ҳуқуқим блан.  
Мен шодман дўстларим, истиқболим бор.

Денгиз остидаги жаннат керакмас,  
Бошқа юрт керакмас бизга ҳечқачон.  
О, Литва, ҳур ўлка, бугунги каби  
Бўлмагандинг бизга бунча қадрдон.

Ёшлар, колхозчилар — барча ўғил, қиз,  
Меҳнатни севади. Меҳнат бахт, ғурур.  
Ўзимиз қурамыз

Экиб ўрамыз,  
Текинхўр-панларга нафратимиз зўр.

Э, жонажон Литва, якка эмассан,  
Ўнбешта қадрдон опаларинг бор.  
Шулар блан ҳурсан, гулсан, чамансан,  
Шулар блан шодсан, э она диёр!

1950 йил.

*Евгенияс Матузявичюс*

\*

**ҲИЛПИРАНГИЗ, БАЙРОҚЛАР!**

Неман бўйларида — кенг далаларда,  
Шаҳарда — гудоклар янграган ерда  
Ҳилпирангиз, байроқлар!

Кемалар устида, кўк қирғоқларда,  
Кўллар соҳилида, яшил боғларда  
Ҳилпирангиз, байроқлар!

Қўшиқ, юракларда — номлари тирик,  
Солдатлар қабрига аста эгилиб,  
Ҳилпирангиз, байроқлар!

Гуркираган меҳнат, ижод, қурилиш,  
Озод Литва бахтин қилиб намоёиш,—  
Ҳилпирангиз, байроқлар!

1947 йил.

*Эдуардас Межелайтес*

\*

**ВАҚТ**

Курант занг уради қадим Спасск —  
Қопқаси устида. Ярим бўлар тун.  
Кечган кун — асрлар қўйнига сингар,  
Эртанги кунга у берар ўз ўрнин.

Тун ўтар. Қўнади оппоқ қировлар,  
Бедор Неман узра ўйнайди шамол...  
Кечган кунга мўлжал ишларнинг борин  
Бажардимми? — дея сурасан хаёл.

Ёруғ Кремльда узоқ кечасин  
Бедор ўтказади доҳи жонажон:  
Эртанги ишларнинг тузар режасин,  
Демак, ишда қиммат — ҳар соат, ҳар он.

Ёзувларга тўлар доҳи дафтари,  
Кўкиш тутун учар трубкасидан.  
Ўсиш, тинчлик йўли — бешйиллик план, —  
Бахт-иқбол картаси стол устида.

Бордир ҳарбир куннинг қадри-йўсини.  
Сталинча ғоя ҳайкали, демак.  
Бу улуг қурилиш темир тўсини  
Халқлар саодатин сайқали, демак.

Қуёшга меҳрибон дўстдай боқасан,  
Баҳорни кутасан бахтиёр, хурсанд,  
Пахса-пахса қилиб ер ағдарасан,  
Гишт терасан — уйинг кўтаради қад.

Курант занг уради қадим Спасск —  
Қопқаси устида. Ярим бўлар тун.  
Кечган кун — асрлар қўйинга сингар,  
Эртанги кунга у берар ўз ўрнин.

Майли, ой ва кунлар учсин қуш каби,  
Қаноти-ла ўтмиш чангини қоқиб.  
Биз толмаймиз ишда, ҳар куни янги  
Орзулар рўёбга чиқади болқиб!

1947 йил.

### **МЕҲНАТКАШ ДЎСТИМГА**

Кўмкўк денгиз ёқасида, далада  
Ер ҳайдарди оддий бир одам,  
Салом, дўстим! Тингла куйлайман  
Давримизнинг қўшиғин бу дам!

Сен, биламан, зўр иштиёқ-ла  
Сочмоқдасан бу ерларга дон.  
Ҳорма, дўстим, шундай ишлай бер,  
Ўзингники кузги ҳар хирмон!

Бу далалар, боғлар, дар'ёлар  
Сенинг мулкинг абадул-абад.  
Шу сабабдан қалбингда жўшар  
Она юртга улуғ муҳаббат.

Сен ишлайсан тер тўкиб, мағрур.  
Бекор кетмас меҳнат ҳар они.  
Нур ва шодлик блан лиммо-лим  
Тўлсин десанг Ватан осмони.

Ҳаёт, қадаҳ тўла май каби,  
Тўлиб тошсин, ҳамиша баҳор...  
Қардошлар-ла Совет Литваси,  
Гўзал бўлсин ва бўлсин донгдор!

*1949 йил.*



*Владас Мозурюнас*

\*

**ДОҲИ НОМИ БЛАН**

Ўттиз тўққизинчи йил. Забастовка.  
Реакция бизга сочар эди кин.  
Қўлдан-қўлга учган махфий листовка  
Курашга чақирар ишчи синфин.

Ертўла. Қоронғу, тўрда шам ёнар,  
Деворларда тинмай ўйнарди соя.  
Бунда Сталиннинг сўзлари янграр, —  
Бизга йўл кўрсатиб, деярди олға!

Ташқарида чўккан қопқоронғу тун,  
Та'қиқдир — курашга чақирган сўзлар.  
Қамоқ жимлигидай ҳаёт олар тин,  
Қуроллар жаранги кўчада кезар.

Зулуклар сўрарди — Литва инграрди,  
Кишанбанд эди у, қалбада ўч-оташ.  
Жаллодлар суякдан этин шиларди,  
Тириклай ўртада қилиб хомталаш.

Броқ, зим-зиё тун қоронғусини  
Ёриб кўзлар чақнар, гўёки чақин.  
Ишчилар кўрарди ёруғ келгусин,  
Деяр ертўлада: ойдин кун яқин!..

Истиқболга ишонч кўз-ла боқарди,  
Тунни ҳайдагандай серпар қўлини.  
У деярди шарқдан тонг оқаради, —  
Кўрсатиб доҳининг порлоқ йўлини.

Деворда суратдан — доҳимиз боқар,  
Гўё чекингандай бўлади зулмат.  
Ўткир кўзларидан қалбларга оқар  
Қуёш ёруғлиги, меҳр, муҳаббат.

Жабру зулмларнинг кишанларини  
Парчалаб ҳужум-ла босдик илгари.  
Юракда жо эди коммунистларнинг, —  
Шонли Партиянинг чақириқлари.

Мана, озод, мағрур она юртимиз,  
Эркин меҳнат, ижод ва бахт яшнашда.  
Сталин йўлидан коммунизмга  
Қадам босган эдик шаҳдам ўшанда!

*1949 йил.*

### **БОЛАЛАР**

Бизнинг қишлоқ жуда ўзгариб кетган,  
Ҳар томонга боқсанг — кўз қувонади.  
Қишлоқ кўчасидан гулдираб, улкан  
Колхоз трактори ўтиб боради.

Қувноқ тракторчи устида атай —  
Болаларга кулиб отар эди гап:  
„Қайси бирингизни мактабга элтай,  
Ким менинг ўрнимда боради ҳайдаб?“

Болалар унутган, ахир яқинда —  
Оталари панда батрак эди-ку.  
„Катта бўлақолсак! Соз бўларди-да!  
Трактор ҳайдардик!“ — диллар лиқ орзу!

1948.

### ПАРТОРГ

Кичик хона. Икки стул. Кровать — қатор,  
Парторг ҳар кеч ишлар бунда, ўй сурар бедор.

Қони қайнар, ғазабидан чаккаси қизар:  
Қаердадир тун қўйнида кулақлар кезар.

Ёндирмоқчи бўлар яна улар буғдойни...  
Ташқарида тун қоронғи босган ҳар жойни.

Ба'зан меҳмон бўлиб келар яқин-дўстлари,  
Ёшлигида бир заводда ишлашган бари.

Ҳам кадрдон меҳмонлар-ла учрашган оқшом,  
Хоҳ, уйида — оилада олганда ором,

Унутмайди Партиянинг топшириғини,  
Қоронғига тикар ўткир кўзи қирини.

Муддаоси унинг бунда турмоқ — абадий,  
Ҳарбир ишда деҳқонларнинг бўлиб мадади.

Унутмайди Партиянинг топширигини,  
Қоронғига тикар ўткир кўзи қирини.

Шундай бир сўз топмоқ истар — зўр бўлсин нурдан,  
Кенг оммани бошлаб борсин шу катта йўлдан!

Кичик хона. Икки стул. Кровать — қатор,  
Парторг ҳар кеч тун бўйича ухламас — бедор. —

Аниқ билар ва ишонар, интилар ҳар он,  
Бу курашда кулакларни енгар бегумон!

*1948 йил.*

*Ионас Лапашинскас*

*(1923 йил)*

\*

### **ҚАҲРАМОННИНГ ОБРАЗИ**

*Марите Мельникайте хотираси*

Унинг ҳикояси тарихда қолди,  
Тиллардан тушмайди мард қизнинг баҳси:  
Унинг кўзларида Литва далалари,  
Жонажон ўрмонлар, дар'ёлар акси...

Кулфат йилларида қурол кўтариб,  
Дўстларнинг сафига отди у ўзин,  
Унга туйиларди: ўртоқ Сталин  
Ўзидан узмайди меҳрибон кўзин.

У, ҳалок бўлганлар рўйхатида йўқ.  
У доим жангларда тирик, мардона.  
Марите номини азиз ватанда  
Ҳамиша янгратар қувноқ тарона.

Яна гулга тўлган боғ, далаларда,  
Кўкларга юксалган биноларда у —

Шарафли меҳнатда бизга ҳамнафас,  
Худди илҳом каби келур рўбару.

Бахтиёр Литвада яшайди мангу,  
Унинг боши баланд, порлайди юзи,  
Лабидан кетмайди табассум-кулку,  
Сийнада — мардликнинг Олтин юлдузи.

1948.

## *Петрас Цвирка*

\*

### **ҚАРДОШЛИК\_УРУҒЛАРИ**

Яқин ўтмишнинг манзаралари яна хотирамда намоён бўлди. Юзларига Смоленскдаги ҳарбий йўлларнинг чанглари қўнган кишилар яна кўз ўнгимдан ўтдилар, душман бомбасидан гардлари инган, пўсган ва қирқ биринчи йилнинг зимзиё кечаларига эҳтиёт кўзи блан боққан шаҳар уйлари; оналари кўксидан уйғонган ва югуриб кетаётган оналарининг ортида қўққисдан урушнинг даҳшатли ёнғинларини кўрган болалар, — бу хотираларнинг ҳаммаси қалбимга тўлқиндек урилиб, саноқсиз образлар ва хаёлатлар зарраларини қўзғатади ва Сталинград деворлари ёнида мангу уйқуга кетган ёки Днепр ерларида, Неман ерларида ерга бош қўйган унутилмас кишилар блан боғлаб турган жонли алоқа ҳислари мени ҳечқачон тарк этмайди.

Қўлимдаги китоб, оқшомнинг кўкиш осмонида мил-тиллаётган юлдузлар, узоқдан ўтаётган поездларнинг гулдираши — мен шуларнинг барчасини эшитиб, кўриб, ҳис қилиб турибман — буларнинг ҳаммасининг эвазига қизил аскар шинели кийган қардошларимизнинг бебаҳо олижаноб қони тўланган. Абадул-абад кўз юмган кўп-

гина қўллар ва қалбларнинг меҳнатлари ва мардонавор жасоратлари бизга қўшиқларнинг сўзи бўлиб, ёндирилган қишлоқ кули вайронаси устидаги олманинг гули бўлиб етиб келмоқда.

Ҳозир барчамизнинг саодатимиз учун яшнаб яшаётган она юртимизни кўкси блан ҳимоя қилган азиз кишиларнинг қимматли образлари унут бўлишини истамайман, истайолмайман ҳам.

Балли, яқингинада ўлим ҳукмронлик қилган ерда ҳаёт гулламоқда.

Мен бунга ўтган йилнинг кузи жонажон ўлкамнинг далаларидан ўтаётиб ярим вайрона бир қишлоқнинг даҳанасида ишдан чиқарилган фашист танкани кўрганимда сўзсиз ва аниқ ишондим.

Танк ёнида бир чол блан ўспирин куймаланишарди. Чол қўлида кўтариб турган ҳурмача остидан кўкиш тутун кўтарилади. Мен отдан тушиб, уларга яқинлашгач гап нима эканлигини шундагина пайқадим: пачоқланган танк ичига боларилар тўпи ўрнашган экан, чол меҳнаткаш ва чарчамас арилар тўплашга улгурган болни олиш учун уларни ҳайдаб чиқармоқда эди.

Соддагина бу манзара мени шу қадар ҳаяжонлантирдик, шундай осойишта ва шундай ёқимли иш блан банд бўлган эзгу кишиларга муваффақият тилаш учун зўрга сўз топдим. Ватанимнинг далаларида ўлим сочган танк ичида бол! Ва яна нечанчи марта ҳам! — қирқ биринчи йилнинг ёзи ёдимга келди.

Ўша даҳшатли ёз кунларида чегара бўйидаги областларни тарк этиб Россиянинг ичкарасига олиб борадиган ҳамма йўлларни тўлдирдилар. Қочоқлар юк машиналарида, отларда, велосипедларда ёки олдиларида болаларнинг аравачаларини итариб пиёда жўнаб борар эдилар. Улар шоссе ва дала йўлларидан юрар, пичан фарамлари ичида тунар, турли дар'ёларнинг сувларини ичар, гулхан устида овқат тайёрлар ва чанг босган,



ҳорғин, қуёшда куйиб-пишиб яна йўлларида давом этар эдилар.

Мени ўз қаторига олган колонна олти кун дегандагина Великие Луки станциясига етиб олди.

Бу катта станция ҳечқачон бу қадар кўп одамни кўрмаган эди! Буерда литваллар ва руслар, белоруслар ва латишлар, болалар ва чоллар, аёллар ва эркеклар бор — бу: бошига умумий фалокат келган каттакон бир оила эди. Тепамизда қизиб кетган июль осмони, ундан — лаҳза сайин қўққисдан ўлим келиши мумкин эди. Аммо одамлар кўкка ташвиш блан қараб қўяр эканлар, ердаги ишларини тўхтатишмас: улар йўрғакларни ювишар, болаларни овутишар, гулхан устида ёвғон пиширишар, ўлганларни кўмишар, йиғлашар, ашула айтишар ёки бошга тушган савдолардан ҳасратлашишар эди.

Худди шуерда йўлларда, қочоқлар тушган составлар орасида ҳарбий эшелонлар ҳам турар эди. Қуриб қолган шохчалар блан безатилган вагонлар олдида солдатлар уймалашар, платформаларда устига брезент ёпилган тўплар қўпол бўлиб турар, бошқа платформаларда ҳарбий ошхоналардан тутун кўтарилар эди.

Яқингинада бу солдатлар — руслар ва арманилар, белоруслар ва татарлар, қозоқлар ва ўзбеклар — тинч меҳнат кишилари эди, энди эса улар ҳарбий форма кийиб фронтга жўнатилишларини кутишарди. Улар эвакуация қилинганларга сўзсиз, лекин табиий илтифот блан қарардилар.

Ҳарбий ошпазлар болаларни сафар ошхоналарига чақириб уларни солдатча шўрва блан сийлардилар.

Солдат қизил вагонга сакраб чиқишга зўр бериб уринаётган чолни кўрар экан, унинг ёнига бориб мушқулини осон қилар эди. Солдат гулханни уқувсизлик блан ёқаётган хотинни кўрар экан уни четлатиб ишга ўзи киришарди.

Бутун бошли составни эгаллаган бизнинг колоннамиз жўнатилишни узоқ кутди. Лекин бирдан поезд ҳа демай жўнайди, деган овоза тарқалди. Одамлар вагонларга югуришди.

Худди шу пайт бизнинг вагонимиздаги йўловчи аёллардан бири кичкина ўғли йўқлигини сезиб қолди. Она перроннинг у бошидан бу бошига югуриб дуч келганлардан болани сўради. Одамлар уни қўлларидан келганича юпантирар эдилар.

— Топилади, нима у игнамиди йўқолиб? — деди биров.

— Мен уни ҳозиргина кўрган эдим: ўзи кичкинагина, бошида яшил қалпоғи ҳам бор, — дерди бошқаси.

Хотин тинчланаолмасди. У составларнинг ёнидан югурар, ўғлини литва ва рус тилида чақирар, русчага тили унча келишмас эди. У дуч келганларга рус тилида:

— Мальчик, зеленом шапке — мальчик мой — дея қичқириб составдан составга югурарди. Каноп туфли кийган оёқлари қоқилиб кетарди. Пошнаси қийшайиб кетган бир туфлиси эсига келиб ечиб олгунигача ҳа деб оёғидан тушиб кетаберди.

Шу пайт бизга қўшни йўлда янги ҳарбий эшелон пайдо бўлди. Алюминий фляга кўтарган жангчилар эшелон тўхтамасданоқ ерга сакраб тушабошладилар.

— Тарқалманглар! — деб қичқирди уларга вагондан командир. Вагонлар остига шўнгғий бошлаган қизил аскарлар аниқ ва янгроқ овозга бўйсунушди.

Командир елкаси блан эшик рамига суяниб турарди. У новча, бақувват, чиройли киши эди. Унинг чиройи русларга хос очиқ ва ёрқин чирой эди. Бундай гўзалликни ҳаммадан аввал эркаклар пайқайдилар ва қадрлайдилар. У қуёшда қизиб кетган каскаси остидан юзига шириллаб тушаётган терни артиш учун қўлини кўтармай бизга қараб турарди. Унинг орқасида ўртоқларни пайдо бўлишди, улар ҳам биз томонга тикилишарди.

Бизнинг вагонда бир чемодан устида ўтирган икки дугона балки, опа-сингил қизлар бир-бирларига суяниб, қўшиқ бошлашди.

Бошқа вақтда, бахтли кунларда ҳечким буларга диққат қилмаган бўлиши ҳам мумкин эди, лекин бугун қўшиқ жонажон далаларини соғинган одамларнинг юрагидан жой олди.

Вагон жим-жит бўлиб қолди, одамлар қўшиқ гўё ирвоқ ип каби узилиб қоладигандай диққат блан қулоқ солишди.

Боласини қидирган хотин яна пайдо бўлди. Вагонлардан қувонч блан қичқирди:

— Топипти! Топипти!

У энди чопмас, ялангоёқларини базўр кўтариб ва яшил қалпоқли ўғил болани бағрига босиб гандираклай-гандираклай юриб борарди.

Бизнинг вагондан чўзилган ўнлаб қўллар бола ва хотинни тортиб олдилар. Унга энг яхши жойни бўшатиб беришди, у ҳартомондан ёғилаётган саволларга жавоб беришга базўр улгуриб, енгил тортиб йиғларди.

Қўшни йўлда паровоз гувуллади, ҳарбий эшелоннинг вагонлари силтанди, буферларни шарақлатди ва бизнинг ёнимиздан аста-секин юриб ўтди. Вагон эшигида турган командир биз блан сўзсиз хайрлашди.

Қизлардан аллаким унга гул ташлади. У гулдастани илиб олиб вагондан бошини чиқарди-да қичқирди:

— Қайғирманглар ўртоқлар! Она Россия сизларни ўз бағрига олади!

... Шундай лаҳзалар ҳам бўладики, унда энг оддий сўзлар ҳам алоҳида чуқур ма'но берадилар.

Ўтган йили қишда, республика Олий Советига сайловлар вақтида мен Шарқий Литвада бўлган эдим. Ўзимни янги уйлар солинган кичикроқ қишлоқ кўчасида кўрар эканман, мени шодлик ҳисси чулғаб олди.

Янги элатларнинг бу қишлоғи Ватан урушидан сўнг, собиқ помещчик ерида қад кўтарган эди.

Дехқонлар сайловолди мажлисига келишлари керак бўлган мактаб катта эски уйга жойлашган эди. Дарсдан кейин қолган болалар муаллимлари раҳбарлигида синфни безатишмоқда эди. Болаларнинг янгроқ товушлари ва болгаларнинг тақ-туқи мактаб биносини қоплаб олган эди.

Синф деворларида журналлардан ҳавсала блан кесиб олинган ва рангли қоғозлардан қилинган хонаки рамкаларга солиб қўйилган суратлар осилиб турарди, — Кремль миноралари, Кубань далаларидаги тракторлар, ит қўшилган ченада кетаётган ёқут. Шуларнинг ёнгинасида расм альбомидан йиртиб олинган бир варақ қоғоз оқариб турарди. Унда тажрибасизроқ қўл блан, хурмо остида ўтирган негр боласи тасвирланган эди.

Унинг остига чамаси ўша қўл эгаси томонидан ёзиб қўйилган ҳикоя яқинда газетада ўқиганим бир воқияни эслатди. Сан-Францисколи қора танли музикачи, оқ танли жаноблар унинг отасини у қора танли бўлгани учунгина осганларини ҳикоя қилган. Унинг ўзини — музикачи Вильям Смитни умри бўйи хўрлаб, умри бўйи қора ит деб атаб келганлар. Кунлардан бир кун Вильям оркестрда чалаётганида оқ танли жаноб шундай деб бақирган:

— Йўқол буердан, қора ит!

Смитга шишалар ва тарелкалар улоқтирилган, унинг юзи қопқора-қон бўлган, у қочабошлаган. Музикачи Сан-Франциско кўчалари бўйлаб қочиб узоқ югурган, уни қувиб келаётганлардан қутилганида эса, карнайини қўлига олиб кемага чиққан ва Советлар мамлакатига йўл олган. Буерда уни ҳечким ҳечқачон хафа қилмайди.

Афтидан газетадан кўчириб олинган бу ҳикоя остига йирикроқ ҳарфлар блан шу сўзлар ёзиб қўйилган эди:

„Ҳамма халқлар — бизнинг қардошларимиз, Совет Итти-  
фоқи — негрларга бошпана беради“.

— Бу суратни ким солди? — деб болаларга мурожаат  
қилдим мен.

— Мен, — деди анчадан кейин ўғил болалардан бири  
қизариб ва болғачани четга қўятуриб.

— Суратнинг остидаги хатни ким ёзди?

— У, у, — дея чувиллашди қизлар ва ёввош, камгап  
бошқа болани кўрсатишди.

— Буни сизларга муаллималарингиз буюргандир?

— Йўқ, — қувноқлик блан шахдам жавоб берди би-  
ринчи бола. — Биз ўзимиз қилдик.

Мен Вильям Смитнинг кичкина дўстининг сочи те-  
кис олинган бошини силаб Великие Луки станциясида  
қочоқларга далда берган командирни яна эсладим.

У одамнинг кейинги тақдири менга ма'лум бўлмаса-  
да, мен шу пайтда ўйладимки, у қаерда бўлмасин — у  
сепган қардошлик уруғлари ҳозир менинг жонажон  
ўлкам заминида куртак ёзди!

1947 йил.

## Петрас Цвирка

\*

### БУЛБУЛ

Қишлоқ куйиб бўлган. Харобалар қорайиб турар, кўзга кўринарли ўт ҳам йўқ эди. Шамол паға-паға қорақуяларни осмон баравар кўтариб, ўроқ тушмай куйиб кетган ғаллаларнинг оғир ҳидини ғарбга олиб кетарди. Боғларда кўмир бўлиб қолган олмаларнинг қуруқ гавдалари қаққайиб турарди. Шамол эсадиган томондаги полизлардагина алланечук сақланиб қолган кўкнори жўяклари гуллаб турар, уларнинг устида живир-живир капалаклар гир айланиб учишар эди.

Шамол тутун ва дудни ғарбга ҳайдарди. Вайрон бўлган қишлоқнинг шарқидаги ерлар ҳали яшнаб турар, ўт тушган ердан йўлга қора гавдалар югуриб чиқар, улар борган сари ортиб борар, бир колоннани ташкил қилиб шарқ томонга, яшнаб турган ям-яшил ерга йўл олар эди.

Тез орада ғала-ғовур товушлар, оғизда чалинадиган гармошкаларнинг чийқиллаши эшитилабошлади. Шу нарса ғалати туйиларди: наҳотки одамлар, шундай қуёшли ёруғ кунда бу илма-тешик темир-терсакларнинг чийиллаган овозидан кўра қушларнинг сайрашини эши-

тиш ёқимлироқ эканлигини билмасалар? Лекин афтидан солдатларга гармошкалар кўпроқ хуш келганга ўхшайди. Солдатлар иссиқдан ва чарчашдан қизариб, йўл босар – елкаларига осиб олган рюкзаклари роса тўлатилган эди. Солдатларни қора мундир кийган офицер бошлаб боради, унинг мундири шундай қора эдики, ёндирилган қишлоқнинг бутун қоракуяси унга қўнгандай. Фақат энгида наридан-бери солинган бош суяги ва икки суяк таёқча оқариб турарди. Бундай расмлар ба'зан электр сим'ёғочларига солинади. Офицер ҳам исиб кетган эди, лекин у дам олишни харитасини тушунаолмагани учунгина э'лон қилди шекилли.

Солдатлар мамнуният блан қаҳ-қаҳлаб кулишиб ўт устига узала тушишди, офицер эса четроқда ўтириб олиб гоҳ харитага, гоҳ бўйнидаги дурбинини кўзига яқинлаштириб атрофга тикиларди. Йўл ўрмонга бурилар ва кам қатнов уч сўқмоққа бўлиниб кетар эди. Офицернинг бошини қотираётган шулар бўлса керак.

У, ўй суриб солдатларга қаради. Улар шовқин-сурон блан бир-бирларига гап ташлаб рюкзакларини бўшатмоқда эдилар. Буларнинг орасида ҳарбий анжомларга алоқаси йўқ буюмлар бирам кўп эдики! Этиклар, юбкалар, кўн, пардалар... Офицер буюмларга ижирганиб қарарди – шундай иссиқ кунда шунча латта-путтани елкаларига ортмоқлаб юрсалар! Лекин тўсатдан бир буюм унинг диққатини ўзига тортди, у яхшилаб тикилиб олгач солдатни жиддийат блан қақирди. Бесўнақай семиз йигит қўлини чўнтагига тикмоқчи эди, улгуролмади, офицернинг ёнига боришга мажбур бўлди.

Офицер узоқ вақт ўгит ўқиб солдатни койиди, кейин қўлини чўзди. Солдат унинг кафтига кичкина олтин соат қўйди, шундан кейингина ҳордиқ чиқаришга изн олди.

Офицер соатни қўйин чўнтагига солиб, кителени бошдан-оёқ қунт блан тугмалади-да, яна уф тортиб

харитани қўлига олди — бу ла'нати сўқмоқларни нима қилса бўлади?

Соат ҳодисасидан кейин солдатлар этиклар ва юбкаларни шоша-пиша рюкзакларига жойлаб жимиб қолишди, ҳукм сураётган сукунатда қушнинг сайраши аниқ эшитилди.

Унинг навоси ҳавода товлана-товлана жаранглаб гоҳ тинар, гоҳ яқин орадан аниқ янграр эди. Қуш қўрқмасдан шу қадар қаттиқ сайрар эдики, офицер ўзи ўрнидан туриб бутазор томонга йўл олди. Бирон зот унинг ёнида туриб қувноқлик блан бемалол куйлаши унга аллавақтдан бери эриш кўринадиган бўлса керак.

Офицер ёш қайинларнинг бутоқларини четга сулар экан, ўн уч ёшлар чамасидаги болани кўрди. Мошранг курткали, бошланг бола яланг оёқларини ариқчага осилтириб, бир бўлак ёғочни кўкрагига тираб, уни ҳафсала блан йўниб ўтирарди.

— Ҳей, менга қара! — дея қичқирди офицер ва имо блан болани ёнига келишга буюрди.

Бола пичоқни шоша-пиша курткасининг чўнтагига солиб, эгнидаги қириндиларни қоқди-да, офицер ёнига келди.

— Кўрсат, — деди офицер литва тилида.

Бола оғзидан аллақандай ёғоч нарсани чиқариб намини артди-да, қувноқ мовий кўзлари блан тик қараб офицерга узатди.

— Яхши чалар экансан, — деди, офицер музыка асбобининг тузилиши соддалигидан таажжубланиб. — Сени ким ўргатди?

— Ўзим, жаноблари... мен тагин какку ҳам бўла оламан.

Бола каккулади. Кейин у ҳўл найли яна оғзига тиқди-да, тили блан бостириб яна чуриллатакетди.

— Менга қара ҳуштаквоз, сен бу ерда ёлғиз ўзинг-



мисан? — дея сўради офицер ўрмон даҳанасини дурбин орқали кўздан кечираётиб.

— Ҳа. Бу ерда чумчуқ, қарға, какликлар жуда кўп, лекин булбуллардан мен ўзимгинаман.

Офицер солдатларга кўз қирини ташлади, улар литва тилини тушунмасликларини эслаб, тишлари орасидан болага шундай деди:

— Аблаҳ! Мен сендан, бу ерда катталардан ҳечким йўқми деб сўраяпман?

— Йўқ, — дея жавоб берди бола. — Тўп отилабошлаганда, ҳаммалари: „Ҳайвонлар, ҳайвонлар келишмаяпти!“ деб қичқиришди. Ҳаммалари ура қочишди.

— Ҳўш, сен нега қочмадинг?

— Қочиб нима қилардим, мен бошқа қишлоқлиман, — бола ўрмон томонга қўл силтади. — Мен аксинча, ҳайвонларни кўрмоқчи бўлдим. Биз шаҳарга борганимизда, у ерда ярим тангадан олиб катталиги бузоқдай мушукни кўрсатишган. Та'зимимни емасам деб турибман-да. Борди-ю агар...

Афтидан боланинг эзма-чурук гаплари офицернинг жонига текканга ўхшади. Балки у болани довдирроқ деб ўйлагандир. Бинобарин, у нафратли, мутакаббиро на мурувват блан сўради:

— Қани айт-чи йигитча, ўрмон орқали Сурмонтига олиб борадиган бу йўлни биласанми? Сурмонти дейиларди шекилли.

— Нега билмай, жаноблари, — дея қувонди бола. — Биз уёқдаги тегирмонга балиқ тутгани борамиз. У ердаги чўртонлар мана шу-у-у-н-дай келади, икки ойлик ғозчаларни тириклай ютиб юборади. Яқинда сув тўғонни уриб кетиб...

Офицер энди болага деярлик жирканиш блан қараб оғир уҳ тортди.

— Бошла, — деди у. — Агар йўлни яхшилаб кўрсатиб берсанг, мана бу нарсани оласан, — офицер болага зажи-

галка кўрсатди. — Агар адашсанг — каллангни ҳуштак пуштагинг блан суғуриб оламан. Уқдингми?

Солдатлар сафга тизилишди. Отряднинг бошида офицер блан ёнма-ён бола ҳам борар, солдатларнинг вақтини чоғ қилиб тўхтовсиз булбул бўлиб сайрар, каккулар эди.

Ўрмонга киришди. Энди йўл ўсимликлар бекитаёзган сўқмоқ бўйлаб борар эди. Бола калтакчасини силкитиб, юрган йўлида йўл бўйидаги дарахтларнинг новдаларини завқ блан уриб туширар ва шишкалар терар эди.

— Одамлар партизанлар тўғрисида нима дейишяпти? Ўрмонларингизда уларнинг уруғидан борми? — дея суриштирди офицер.

— Бунақалардан йўқ... Қўзиқорин, замбуруғ, қурбақанинг салласи бор... — дея довдираб жавоб берди бола.

Офицер унга яна бир марта қараб умидсизлик блан елкасини қисди.

Ўрмоннинг энг ичкарасидаги, арча блан қопланган тепаликда (бу ердан йўлнинг икки томони ҳам икки юз метр жойгача яхши кўриниб турарди) винтовка, карабин, милтиқлари блан қуролланган бирнеча киши ётарди. Обоймаси шохга ўхшаган немис автомати ҳам бор эди.

— Ётавериб чарчадим, — дея шивирлади бир жангчи, нишонга олиш рамкасидаги арча игналарини ҳавсала блан қоқиб тушираётди. — Кўзингга ҳеч нарса илғамадими?

Лекин иккинчиси ишонч блан бошини сарак-сарак қилиб ўрнидан турди ва қулоқ солди. Шабада бир лаҳза тинди, шунда ҳамма ўрмоннинг қулоқ илғаб бўлмас ғала-ғовури орасидан булбул навосини аниқ эшитди.

Қушнинг сайраши борган сари аниқроқ эшитиларди. Уни биринчи бўлиб эшитган киши диққат блан санарди:

— Бир, икки, уч, тўрт... — у бармоқларини букиб санарди. — Ҳаттиз икки кишидан иборат отряд.

Қўққисдан булбул жим бўлиб қолди. Тепаликда какку қушнинг сайраши эшитилди.

— Икки пулемёт, — бир-бирларига қараб олишди арчазорда ётган одамлар. — Булар кеча гапирганимиз жазочи — эсэсчилар бўлса керак.

— Бошлаймиз, — деди серсоқол киши ва ўрнидан турди, унинг ортидан яна уч киши ўрнидан турди. Серсоқол киши эски тўнка ёнидаги шох қатламини кўтариб, хилват жойдан бирнеча қўл гранатаси олди-да ўртоқларига улашди.

— Сен тезроқ бўл, — деди булбулнинг сайрашига боягидек диққат блан қулоқ солаётган киши. — Бизникилар муйишда кутиб туришипти. Степас амаки блан биз, фашистларни ўтказиб юборамиз, сизлар бошлайсизлар, биз уларни орқасидан ўққа тутиб берамиз. Биз томонда бирон гап чиқиб қолса, булбулни унутиб қўйма. У бечора кечадан бери туз тотгани йўқ..

Бирнеча минутдан кейин йўлда отряд кўринди. Олдинда офицер, унинг ёнида бола келар эди. Бола юриб кетаётиб шишкага энгашди, уни олгач сўқмоқнинг энг четидан юриб йўлида давом этди.

Отряд тепаликдан ўтиб кетаётганида булбулнинг сайрашига жавобан аксисадодай ўрмон томонидан қаттиқ чалинган ҳуштак эшитилди. Бола шу ондаёқ қалин ёш арчазорга сакради. У четга эмас, ортга сакради, унга қараб отган офицернинг ўқи хато кетди.

Солдатлар ҳатто ётиб олишга ҳам, уларга қаёқдан ўқ узилаётганини пайқаб олишга, пулемётларини ўрнатишга улгуролмай қолдилар. Офицер илк ўқлар отилгандаёқ ўлган эди, эсэсчилардан бирови командирликни ўз зиммасига олишга тиришиб ҳам кўрди, лекин яранганларнинг дод-войидан команда сўзларини ҳечким эшитмади.

Тез орада ўрмон яна жим-жит бўлиб қолди.

Эртасига ўрмонга олиб борадиган йўл чорроҳида яна ўша бола ўтирар, ниманидир йўнар ва най чалар эди. Қулоғи кўникмаган киши унинг куйини булбул навосидан айираолмас эди.

*1943 йил.*

## Юстас Палемонас

\*

### НУР СОЧМОҚДА ВА СОЧАЖАК!

— Сиз уруш тўғрисида нималарни эслайсиз?

Мен бу саволни литвали кўпгина юртдошларимга улар билан республиканинг турли районларида учрашганимда берган эдим.

Бу гал мен актив жамоатчи, хотин-қизлар вакиласи, колхозчи Леонора Руткенега мурожаат қилдим.

Биз у билан колхоз клубида учрашдик, у буерда ҳозиргина бир тўда аёлларга баланд овоз билан газета ўқиб берган эди.

— Мен нималарни эслашимни сўрайсизми?— ўйла-ниб такрорлади Руткене, жим бўлиб қолган хотинларга қарар экан.— Мен кўп нарсани эслайман... Гитлерчилар ва уларнинг малайлари буерда не қилгиликларни қилганликларини биз ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бундан кўра даҳшатлироқ нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Ахир гитлерчилар большевиклар тўғрисида не-не гапларни айтмадилар, ўзлари Литвадан қочиб кетаётганларида куракда турмайдиган не-не гапларни тўқимадилар, бизни ҳам эргаштирмоқчи бўлдилар...—Руткененинг кўзлари ғазаб билан чақнади. — Ўзинг булганган нарсани ўзгага суркайсан деган мақолимиз бежиз айтилган эмас...

Мен бундан илгари ҳам фашистларнинг ваҳшийлик-лари тўғрисида кўпгина ҳикоялар эшитган эдим. Мен, бу ҳикояларнинг ҳаммаси аллақандай даҳшатли, қайғуга солучи бирхиллиги блан кўзга ташланади деяолишим мумкин эди.

Лекин худди шу ҳикояларда совет кишисининг руҳий олижаноблилик, саботлилик, қаҳрамонлик хислатлари нақадар хилма-хил, ба'зан эса нақадар кутилмаган даражада ва ёрқин ифодаланар эди! Литва халқи ўша йиллар ўлмас қаҳрамонларининг ёрқин образларини миннатдорчилик блан ёдида сақлайди...

Ёз кунндаги ўша соқит оқшомда колхозчи Леонора Руткене менга шуларни ҳикоя қилиб берди.

...Седадаги ҳарбир одам Клеменсас Жута ҳақида, унинг фашист жаллодлар қўлида ҳалок бўлгани ҳақида, фашистлар унинг саботини букаолмаганлари ҳақида ҳикоя қилиб бераолади. Бу чинакам баллада, шоирнинг фантазияси эмас, ҳаёт ўзи яратган баллада.

Клеменсас Жута ёши ўтиб қолган, лекин ҳали бақувват, яғриндор киши эди.

— Совет ҳоқимияти — бу бизнинг ҳоқимиятимиз, бу ишчилар ҳоқимияти! Сталин қуёши бизга нур сочмоқда ва сочажак! — деган эди у қирқинчи йилда бир мажлисда.

Клеменсасга Седанинг четидаги Ужежера деган жойдан кичикроқ участка тегди. У Седада яшар, янги участкасида уй солиб унда янгича ҳаёт кечирмоқчи эди.

Лекин уруш бошланиб қолди. Фашист оккупациясининг даҳшатли йиллари бошланди. Одамнинг ҳаёти ўз қадрини бутунлай йўқотгандай эди: фашист жаллодлар истаган кишиларини ўлдираар, арзимас баҳона топиб ўлдираар, ҳечқандай баҳонасиз ҳам ўлдираар эдилар. Фалончи худосиз, большевик ёки умуман сўл деган чақув бўлса бас, — киши шунинг ўзи бланоқ маҳкум эди.

Пономарь<sup>1</sup>, ксёндз<sup>2</sup> ёки оддий даватка<sup>3</sup> бирон киши-ни сал шубҳа остига қўйса бас — ўша киши ўнғалмас эди. Клебонияга<sup>4</sup>, помешчикларнинг имениеларига ёки эски фашист ҳокимиятига яқин бўлган кулак болалари, погромчилар гитлерчиларнинг содиқ малайлари бўлиб олиб, литва халқига жаллодлик қилдилар.

Литва халқига қарши қутирган бу разиллар гитлерчилар оккупациясининг биринчи кунлариданоқ бош кўтаришди.

Клеменсас Жута бутунлай бегуноҳ одамларнинг қийноққа солинишлари, отилишлари, қатл этилишлари тўғрисида анчагина гапларни эшитган эди.

У Седадан кетишга аҳд қилди.

У гитлерчиларнинг қонли ҳокимияти узоқ тураолишига ишонмас, — шунинг учун ҳам сабр блан ўрмонларда яшириниб юрар эди.

У бир нарсага кўникаолмас: ўз қўли блан ардоқли участкасидаги ерга эккан буғдойларнинг қандай ўсаётганини жуда-жуда кўргиси келар эди. Клеменсасни гитлерчилар худди шу буғдойзорда ушлаб олишди...

Фашистларнинг тюрьмаси Седанинг марказидаги катта тош уйга жойлашган эди. Унда кўшгина одамлар — совет активистлари, комсомоллар, жамоат арбоблари азоб чекар эдилар. Чақув қурбонлари ҳам шуерга қамалган эди. Қамалганларни бу тош қопдан ҳайдаб чиқиб кўҳна Керажяй қабристонига олиб борар ва уерда отар эдилар. Бунинг учун ўзини „комендант“ э'лон қилган Валутиснинг фармойиши ёки ра'йи кифоя эди.

Юз-юзлаб бандиларнинг ҳаётига хўжайинлик қиладиган ҳаромиларнинг орасида айрим типдаги жаллодлар

<sup>1</sup> Пономарь — бутхона қўнғироқчиси.

<sup>2</sup> Ксёндз — поляк руҳонийси, кашини.

<sup>3</sup> Дав тка — «диндор, фосиҳ хотин.

<sup>4</sup> Клебония — ибодатхона бошлиғи турадиган уй.

бор, улар кишиларнинг чеккан жафоларидан бойлик ортдиришар эди. Бу ўлим ва ҳаётнинг жирканч савдоси эди: доим маст „каттаконлар“ бутунлай бегуноҳ одамларни озод қилиш эвазига катта-катта пора олардилар. Шуниси ҳам борки, улар пулдан кўра олтин узуклар, соатлар, ёғларни хуш кўришарди... Ба'зан шундай ҳам бўлар эди: жаллод, ҳечнарсга кўрмагандай, ўз қурбонини отишга жўнаб қоларди...

Гитлерчиларнинг энг ашаддий ёрдамчиларидан бири фашист комендантининг акаси каноник<sup>1</sup> Валутис эди.

Маҳбусларни, айниқса ўлим камерасида ўтирганларни қатл олдидан мажбуран ҳайдаб каноникнинг олдига тавба қилдиргани олиб борардилар. Каноник Валутис одамларни тавба қилдираётиб, улардан мумкин қадар ҳамма нарсани зўрлаб билиб олар, уларнинг ўртоқлари, маслакдошларини ва умуман „шубҳали“ шахсларни батафсил суриштириб олар эди. Каноник Валутис тавба қилдириш вақтида шу йўл билан керакли ма'лумотларни тўплаб укаси — „комендант“га ма'лум қилар, буни эса янгидан-янги қурбонларни қамоққа олар эди.

Каноник Валутис ашаддий реакционер ва фашист эди. Урушнинг бошидаёқ большевикларнинг бошига фалокатлар келишини тилаган, Гитлерни худо юборган „халоскор“ деб кўкларга кўтарган эди. Кейин Литвада совет партизанларининг гитлерчиларга қарши кураши кучайган, партизанларни эса халқ кенг миқ'ёсда қўллаб-қувватлагач, — Каноник Валутис костёл<sup>1</sup> минбарида озмунча оғиз кўпиртириб қутирмади.

— Сизлар бир тўп гўнгсизлар! Сизлар большевик партизанларни қувватлайсизлар, даҳрийсизлар, фитначилар! — дея бақирарди у гап шуерга келганда ҳарқандай муқаддас дуоларни унутиб.

<sup>1</sup> Каноник — муножотчи.

<sup>1</sup> Костёл — ибодатхона.



Одамлар костёлдан ғазабланиб чиқиб кетар: улар гитлерчиларнинг, бусиз ҳам кўнгилга теккан ташвиқотини эшитишни истамас эдилар.

... Клеменсас Жутани турмага олиб келиб тўппа-тўғри ўлим камерасига итариб киргиздилар, чунки унинг тақдири олдиндан ҳал қилиб қўйилган эди.

Бир кулак боласи Жутага каноникка бориб тавба қилишни буюрди, лекин Жута шундай жавоб берди:

— Бу каноникнинг либоси қора, виждони ундан ҳам қопқора, менинг у блан гаплашадиган сўзим йўқ!

Собиқ оқсоқол Кяулитис ўлим камерасига кириб, Жутани таҳқирлаб сўради:

— Хўш, жаноби-ўртоқ Жута, Сталин қуёши нима бўлди, у сенга нур сочаоляптими?

— Сталин қуёши нур сочмоқда ва сочажак! — ишонч блан янгради Клеменсаснинг жавоби.

Кяулитиснинг жони чиқиб кетди.

— Хаҳ, ҳали шундай дегин! Хе ўша сен ашаддий большевикни! Большевикларнинг даврида ташвиқот қилганинг камлик қилувдимики, ҳозир бир оёғинг гўрда турганида ҳам ташвиқотнинг пайдансан!

Кяулитис Жутани урмоқчи эди, лекин тўхтаб қолди. Клеменсас унинг кўзига шундай шиддат блан тикилдики, у тоб беролмай сўкина-сўкина камерадан чиқиб кетди.

Тез орада камерага қуролланган бирнеча фашист ўдағайлаб келди. Улар Клеменсасни олиб кетишди. Маст бандитлар уни калтаклаб ва қаттиқ сўкиб Седа аҳолисининг кўпчилиги босиб ўтган йўл бўйлаб ҳайдашди.

Клеменсас Жута қўли боғланган, лекин бошини мағрур тутиб борарди. У одамларга тик қарарди, улар ўзларининг яқин кишисини чуқур қайғу назари блан кузатар эдилар: яна фашистларга қурбон бўлган бир киши.

Жута ҳали юксакда турган ва ўзининг қизгин нурлари блан Жутани эркалаб, сўнгги йўлга узатаётган қуёшга тикилар эди.

У Керажяйга, ўша — кўҳна қабристонга олиб борадиган чангли йўлга тикилар эди.

Клеменсас Жута қатлга кетаётиб ўз ўтмишидаги даҳшатли манзараларни эслагандир. Унда у ҳали жуда ёш экан, Жемайтиянинг жаллоди Плехас-Плехавичюснинг ишчиларни отиш учун худди шу қабристонга ҳайдаганини ўз кўзи блан кўрган эди.

Клеменсас Жута ўнтўққизинчи йил сабоқларини унутаолиши мумкинми эди ахир, ўшанда литва панлари, панлар зулмидан қутилишга тиришганлари учун литванинг революцион ишчиларидан ваҳшиёна ўч олган эдилар.

— Сен қанақасига ўлишни истайсан — турибми ё ётибми? — деб сўрар эди ўз қурбонларидан Плехас ва унинг ёрдамчилари.

Клеменсас Жута ўнтўққизинчи йил сабоқларини ёдида қаттиқ сақлар, шунинг учун ҳам ксёндзларнинг, ҳамма литвалиларнинг „тенглиги ва биродарлиги“ ҳақидаги уйдирма нутқлари унга ҳеч вақт та'сир қилаолмас эди. Клеменсас бу нутқларга назар-писанд қилмасди.

Мана ҳозир ҳам уни, меҳнаткаш литва халқининг фарзанди Клеменсасни худди литва панлари, кулаклари ва уларнинг хушомадгўйлари ўлимга олиб кетаяпти-да. Булар ҳам ўнтўққизинчи йилдаги аждодларининг ўзи. Улар, ишчи халқ ғалаба қилиб Литвада меҳнаткашларнинг чинакам тенглигини ҳамда биродарлигини яратабошлагани учун ўч олмоқдалар.

Жаллодлар Клеменсас Жутани кўҳна Керажяй қабристонига олиб келганларида қуёшнинг юзини кичкина булутча тўсди.

Одатда жаллодлар одамларни отишдан олдин қурбонларига ўзлари учун қабр қазини буюрардилар.

Лекин бу гал бандитлар ўз одатларига хилоф қилишди. Улар Жутани ҳали таҳқирламоқчи, уни қўрқитмоқчи, бу ўжар жемайтис<sup>1</sup> ишчининг руҳини -букмоқчи эдилар.

Маст жаллодлар гандираклай-гандираклай ва сўкина-сўкина Жутани эски бут олдига турғизиб қўйиб милтиқларини қўлларига олдилар-да мўлжаллай бошладилар. Бу разиллардан биттаси сўради:

— Хўш, энди қандай бўлди, Сталин қуёши сенга нур сочаяптими?

— Нур сочмоқда ва сочажак! — дадил ва қат'ий жавоб берди Клеменсас Жута, яна равшанланган соф қуёшга қараб.

Шунда жаллодлардан бири унинг яғринига милтиқнинг қўндоғи блан урди, иккинчиси қўлига ўқ узди.

— Хўш, Сталин қуёши ҳали ҳам нур сочаяптими?

Аччиқ оғриқ азобини енгарак Клеменсас Жута тишини-тишига қўйиб қичқирди:

— Нур сочмоқда ва сочажак!

У билар эди: Бу қонхўр йиртқиқлардан шафқат кутиш мумкин эмас, у шу сабабли ҳам, уларга меҳнаткаш инсоннинг букилмас саботини кўрсатиш учун бутун кучини йиғди.

Яна ўқ овози янгради — жаллод Жутанинг оёғидан отди. Совет ватанпарвари йиқилди. Шунда унга яна ўша саволни беришди ва у ерда ётар экан илгаригидай жавоб берди.

Қотиллар Жутага тўрт марта ўқ узишди, уни азоблашди, унинг енгилмас иродасини букмоқчи бўлишди.

— Нур сочмоқда ва сочажак!

У ҳолсизланар, унинг кучи тез тугаб борар эди. Лекин кўксиди ҳаёт нафаси кезар экан охириги кучларини тўплаб такрорлар эди у.

---

<sup>1</sup> *Жемайтис* — Жемайтияда яшовчи.

Бандитлар галаси Жутани ўлдирди, лекин унинг руҳини буколмади.

Литва меҳнаткаш халқининг фарзанди — Клеменсас Жута шундай одам эди.

Седадаги юртдошлари уни ҳурмат блан ёдда сақлайдилар. Клеменсас Жутанинг номи бутун Совет Литваси бўйлаб ма'лум ва машҳур бўлиши керак.

1950.

## Юозас Паукителис

\*

### ВАТАНИМДА

Мен ўз элимнинг далаларидан ўтиб кетмоқдаман. Икки йил бошқа ерларда юриб келгач, бу жойлар шундай яқин, шундай азиз туйилдики, ернинг ҳарбир парчасига салом бергим келди. Атрофимни ўраб турган табиат блан ёлғиз қолиб узоқ суҳбат қилгим келди. Қуёш булут орқасига яширинган бўлишига қарамай, атроф баҳорнинг биринчи кунларидаги сингари ёруғ ва кўнгилли.

Муши водиси тарафидан қиз боланинг қўшиғи эшитилди. Муши водисида айтиладиган қўшиқлар доим бир хил — дун'ё яратилгандан бери шу водида ҳукм сурган ҳаётнинг ўзига ўхшаш оғир, аччиқ эди.

Лекин бугунги қўшиқ тантанали оҳангда озод тўрғай сайрашидай жаранглади.

Компаншчизна мулкининг ерларида қарағайдан ясалган, мўм ҳиди анқиб турган, бир-бирига яқин қилиб қурилган уйлар бор. Ҳатто бу уйлар ҳам собиқ помешчиклар ерида тантана блан қад кўтариб турганларига, тўсатдан пайдо бўлганларига ҳайрондек кўринадилар. Улар худди: „Ниҳоят шу далаларда қад кўтардик-ку.

Авваллари меҳнаткашлар оёқ қўйишга ботинмаган ерда, бизлар — оддий совет деҳқонларининг уйлари қад кўтарганмиз“ — дегандек бўладилар.

Қўшиқнинг тетик куйига қулоқ солиб туриб: бу қўшиқни меҳнатда ҳам, жангда ҳам мустаҳкам турадиган, яқиндагина, Ватан уруши тугаши блан уйига қайтиб келиб янги уйга кўчиб ўтган кишининг хотини ёки қизи қўйлаяпти деб ўйладим.

Жанубда, ўрмоннинг қоқ ёнида худди шунақа янги қурилган уйлари кўрдим.

Менинг жонажон ўлкада янги уйлар қурилаяпти, янги хушчақчақ қўшиқлар Муши водисида жаранглаяпти. Мана шу янги совет кишиларини, мана шу ёрқин уйлари қуручиларни ва янгича қўшиқ айтучиларни бутун борлигим блан табриклагим келди.

Таниш ерлар кўп нарсаларни эсга солди. Мана бу „Шайтон товони“ босилган катта харсанг. Кузда, совуқ шамол эсган кезларда шу харсангга ёпишиб олар эдим. Йўл бўйидаги баҳайбат эман дарахти аввалгидек ўсиб туришти. Бир кун шу эманга суяниб туриб ухлаб қолибман, мен боқиб юрган моллар уй-уйларига тарқаб кетибди. Шу қилғилигим учун Влавшчукас чол хипчин блан шундай саваладики, бир ҳафтагача ўрнимдан туролмай ётганман. Онам эса ҳокимга бориб: болани ҳам шунақа ваҳшийларча савалаб бўладими?.. Наҳотки етим бола экан деб қаҳр қилинаверса?! — деб шикоят қилган.

Ўша эман ёнида таниш кишини кўриб қолдим. Бу киши бутун атрофга донғи кетган Юозас Кембре исмли ҳофиз эди.

Мен уни кўрганимга ўн — ўн беш йил бўлди. Ўша вақтларда ҳам ориқ, ҳам қари бўлишига қарамай азаларда шундай яхши мадҳиялар ўқирдики, одамлар эшитиб маҳлиё бўлардилар. Овози худди булбулга ўхшар эди...

Ҳозир у аввалги Кембре эмас. Оп-оқариб кетипти. У хиралашиб қолган кўзлари блан менга қаради, умрининг охирги кунлари тез ўтиб кетмаслигига ёрдам беришимни сўраётгандек бўлди.

Гапни нимадан бошлашимни билмай:

— Дам олаяпсизми? — деб сўрадим.

У шамоллаганга ўхшаш бўғиқ товуш блан:

— Бироз дам олмоқчи бўлиб ўтирдим, — деди. — Қарилик курсин, қарилик!

— Ёнингизда ўтирсам майлими? — деб сўрадим.

— Албатта, майли-да. Ўтиринг... — деди у боягидан ҳам бўғиқ товуш блан.

Ёнига ўтирдим. Эман дарахтининг барглари, чолнинг юзига кўпдан-кўп ажин солган кечирмаларини сўзламоқчи бўлгандек шивирлашади.

— Шаҳардан келган кўринасиз? — деб узоқ чўзилган жимликни бузди Кембре.

— Ҳа, элимга меҳмон бўлиб келдим.

— Танимас эканман. Ёшларнинг ҳечбирини танимайман... Чолларнинг ҳаммаси ўлиб кетди... Ким бўласиз?

Жавоб бердим.

— Ҳа, энди танидим! — ҳайрон бўлди чол. — Демак, Евуте Петрайтененинг ўғлисиз. Бечора аллақачон ўлиб кетган... Илмдон бўлгансиз, китоб ёзар экан деб эшитган эдим. Ҳа, ҳа. Умримиз ариқда оқаётган сувдек тез ўтаяпти...

— Ҳамма нарса жуда тез ўзгарадиган бўлиб қолган, — дейман унга. — Ҳозир кўп нарсани таниш қийин...

— Тўғри, тўғри. Шундай ўзгарганки таниёлмайсиз, — ма'қуллади чол. — Ҳозир ҳамма нарса янги — ҳаёт ҳам, жойлар ҳам, уйлар ҳам... ўз ерига эга бўлишни етти ухлаб тушида кўрмаган одамлар ҳам ерлик бўлди, ўз ерида меҳнат қилаяпти... Ҳечқачон одамлар шундай бўлишини: катта ерларни бўлиб камбағалларга бериш-

ларини эсига келтирганми. Ҳа, замонлар ўзгариб кетди, жуда ўзгарди...

Яна жимлик чўкди. Чол алланарсани ўйлаб кетгандек бўлди. Хира кўзларида ҳаёт учқуни чақнагандек кўринди.

— Балки сиз Сталин ҳақида мен чолдан кўра кўпроқ биларсиз? — деб сўради у жонланиб. — Ахир шуларнинг ҳаммасини ўша қилган-ку... Ҳар қаерларда мактаб ва гимназиялар қурди. Ерсизларга ер берди. Ажойиб замонда яшайпмиз. Яқинда Пажерли Сименес шу ердан ўтди, — болаларини гимназиядан олиб қайтаётган экан. Болаларини гимназияда ўқитиш Сименесларнинг тушларига ҳам кирмас эди. Агар боболари тирилиб келганда бу ҳолни кўриб жуда қўрқиб кетган бўларди... У бутун умрини бойнинг қароли бўлиб ўтказган. Ўғли ҳам озмунча азоб-уқубат тортдимми... Ана энди неваралари гимназияда ўқишашпти. Ў-ҳў...

Чол бошини чайқади-да, узоқ-узоқларга тикилиб қаради.

— Бойлар биздақа оддий одамларга, ёруғ кун юзини кўрсатмадилар, — деб гапини улаб кетди чол. — Помешчиклар бизни қийнаб, ҳайвондан баттар ишлатдилар... Ўқий ҳақида ўйлашга ҳечкимнинг ҳадди сиғмас эди... Фақат бойларнинг болаларигина ўқий олардилар... Бу ерларни биламан, — чол чуқур тин олди. — Қаддим шунда хизмат қилиб букилди...

Чолнинг ҳикояси: чанқоқ ерни қондиргунча ёғадиган ёздаги илиқ ёмғурни эслатди. Кундалик воқиалардан кейин Кембре узоқ ўтмишдан оғиз очди. Унинг оғзидан мунгли ўтмишнинг тафсилотларини эшитгач, ҳозирги ҳаёт яна ҳам гўзал бўлиб кўринди.

Кембре чолнинг ҳаётидан қуйидагиларни билиб олдим.

... Эртаклардаги сингари улар уч оғайни эканлар, уларнинг қари оталари бор экан. Бу уч оғайни бақувват, мустаҳкам ва чиройлик эканлару, лекин умрларида



шунчалик кўп азоб чекибдиларки, бу азоб-уқубатлар ҳаво бузуқ кундаги булутлар сонидан ҳам кўп экан... Оталари Валгаудасов ерида қарол бўлиб, онаси эса чўри бўлиб ишлар экан. Болаларини етти ёшга тўлартулмас бировларнинг хизматига беришар экан. Чўпон бола бировнинг молини боқиб санқиб юрар экан. Қарол бола бировнинг шудгорида мола кетидан эрта саҳардан то қора кечгача судралар экан. Қўшчи эса бировнинг ерида омоч тепасида энгашиб судралар экан. Ерни ҳайдаб бўлгунча одам қиёфасини йўқотар экан. Шундай қилиб бечора заҳматкашлар бутун умрларини ёруғ кун кўрмай ўтказганлар. Ниҳоят шу даражага бориб етганларки, чақмоқ теккан дарахтдек қовжираб йиқилаверганлар.

Юозас Кембренинг товуши яхши бўлган, ўзи ҳам қўшиқ айтишни жуда севган.

Акаларининг ҳам овози яхши бўлган. Ионасники — йўғон овоз, Балтрамеюсники — ўртача, лекин қўшиқ айтишни Юозасчалик севмаганлар. Юозас бўлса, жўяк четида ётар, қўшиқ айтар эди. Ташқарида баҳор бўлса ҳам, ёмғур ёғиб турган куз бўлса ҳам — Юозас иссиқни ҳам, совуқни ҳам сезмай, ҳатто қорни очлигини унутиб қўйиб қўшиқ айтгани-айтган эди.

Акалари уни мазаҳ қилиб:

— Ҳадеб бақираверасанми? Наҳотки жонингга тегмаган бўлса? — дейишар эди.

Лекин қўшиқ ҳечқачон унинг жонига тегмас эди. Қўшиқ айтиб ичидаги ҳасратларини бўшатар, бошқаларнинг ҳам кўнглини кўтарар эди.

... Ёз кунларининг бирида шундай воқиа юз берди.

Қуёш нур сочар, Муши қирғоқларида қушлар сайрар, Юозас акалари блан бирга бой ерида ўтирар эди. Ҳаво жуда иссиқ бўлганидан тер қуяр, кўйлақлар сиқиб ташлагудек бўлар эди. Ҳечқачон чарчамайдиган Балтрамеюс кечга яқин ўроғини ерга санчди-да:

— Молга ўхшаб ишлайверамиз. Бой барибир раҳмат демайди. Қаранглар, қандай чиройли кеч, келинлар бир қўшиқ айтамыз, — деди.

Уч оғайни куйлай бошладилар. Улар анча вақтгача куйлаган бўлардилару, лекин тепаликдан тушиб келаётган иккита қора от қўшилган кáретани кўриб қолдилар. Каретада шляпа кийган иккита қиз ўтирарди. Буларнинг бири — помещикнинг қизи, иккинчиси эса — чет элдан келган машҳур ашулачи эди.

Уч оғайни каретани кўрган замоноқ ўроқларини олиб ишларини давом этдирмоқчи бўлдилар. Лекин карета жуда яқинлашиб қолган эди. Помещикнинг қизи:

— Қайси бирингнинг овозинг шунақа яхши? — деб сўради.

— Мана буники, ойимча — деб Юозасни кўрсатди Балтрамеюс.

— Жуда овози яхши экан, — деб мақтади помещикнинг қизи. Консерваторияга бориб ўқисанг яхши бўларди. Яхши ашулачи бўлар, операларда қўшиқ айтар эдинг...

„Консерватория“, „опера“ сўзларини эшитган чет эллик қиз бошини силкиб ма'қуллади ва француз тилида алланималар деди.

Қизлар ўтирган карета кўздан ғойиб бўлганда Балтрамеюс Юозасга шундай деди:

— Бой қизига овозинг ёқиб қолди... Бирдан кўрмаган, билмаган узоқ ерларга олиб кетиб қолсая... Этагига ёпишиб олиб ҳархил қўшиқ айтиб юраверасан.

„Балки ҳақиқатан ҳам олиб кетар“ деб ўйлади Юозас. Олиб кетишса яхши бўлар эди деб қўйди ўзича. Ҳақиқий ашулачилар сингари қўшиқ айтишни ўрганиб оларди-да, уйига қайтиб келганда камбағалларга куйлаб берарди, уларнинг ҳаётини сал-пал бўлса ҳам ўз қўшиқлари блан безарди.

Бу воқиядан ота-онаси хабардор бўлганда жуда қўриқиб кетишди. Ота-онасининг ташвиши Юозасга та'сир

қилмади. Мени чақириб олиб кетишар деб кутди. Кечаси блан ухлай олмай чиқди. Бой қизининг: „Овозинг жуда яхши экан... Консерваторияга бориб ўқисанг бўларди“ деган сўзлари қулоғидан кетмади.

Юозасга бир гап бўлганини эрталаб ҳамма сизди. Онаси севибли ўғлининг ёнидан нарига кетмади, бой қизи блан бўлган гапни суриштиришдан тийилмади.

Юозас неча кунгача кутиб юрди, лекин бой ҳовлиси-дан ҳечким келмади. Ана шундагина Юозас бутун хаёли пучга чиққанини сизди. Унинг қандай яшаётгани блан кимнинг иши бор. Унинг гам-ғуссаси Муши қирғоғидаги тошлар сонига тенг. Бу бечора блан ҳечкимнинг иши йўқ. Бой ҳовлисидагиларнинг эса сра-сра иши йўқ“.

Бирнеча кундан кейин Юозас чет элдан келган меҳмон қиз қайтиб кетмоқчи бўлганини эшитиб қолди.

Юозас хафа бўлди. Шу куни томоғидан ҳеч нарса ўтмади, онаси эса ўзининг мунгли куйини минғирлашдан тўхтамади.

Кечқурун Юозас онасининг ёнига кирди.

— Меҳмон қиз мени олиб кетмаяпти. Балтрамеюс бўлса мени мазаҳ қиляпти. У қиз эртага жўнаб кетади,— деди.

Онаси ўғлига бир қарадию, юраги ачишиб кетди, кўз ёшлари тўқиётган иши устига дув-дув тўкилди.

Юозас чиқиб кетгандан кейин унинг онаси: „Бораман... Агар ҳайдаб чиқарса — майли ҳайдайверсин. Бу кулфат ёлғиз менинггина бошимда эмас. Балки бой қизи ёнимни олар, балки у онасига ўхшаш шафқатсиз эмасдир“ деб ўйлади.

Онаси энг яхши юпкасини кийди, бирпастанда бой ҳовлисига етиб борди. Лекин ҳовлига киришга юраги бетламади. Оддий деҳқон хотин бўлса, фақат бойларгина кириб юрадиган ерга қандай кирсин. Ундан кўра шу атрофда айланиб юрса балки бахтига бой қизи ўзи чиқиб қолар... Ростдан ҳам бой қизи чиқиб қолди.

Юозаснинг онаси югуриб қизнинг ёнига борди, букилиб та'зим қилгач, қўлидан икки марта ўпди-да:

— Айланай ойимча, музыка чалишни ўргатадиган жойни билмайсизми? Юозасим наҳ жиши бўлиб қолди: яхши ашулачи бўламан деб бошимни қотиради холос... Балки овози яхшидур, музыка чалишни ҳам ўрганиб қолар деб ўйлайман...

— Билмайман, Кембрене, билмайман,— деб жавоб берди қиз. — Кашишдан бориб сўраш керак. Ўғлинг ашулачи бўлиб нима қилади. Бизнинг қўлимизда ёмон яшаяптими?

— Албатта яхши яшаяпти, ойимча,— деб жавоб берди она довираб. — Раҳмат, миннатдормиз,

Она яна икки букилиб та'зим қилди-да, ойимчанинг қўлини қайта-қайта ўпди.

Кембрене уйга қайтаётиб йўл-йўлакай тупурар ва:

— Оҳ шўргинам қурсин, нималар қилиб қўйдим-а, қарашга ҳам ботинолмайман... — деярди.

Уйга қайтгач бекордан-бекорга эрини уришди, Балтрамеюсни қаргади, Юозас ҳам қуруқ қолмади.

— Нима балоларни ўйлаб топибди,— деб аччиғларди у. — Ашулачи бўлармиш. Ахир ҳамма яланг оёқлар ўқиб мулла бўлиб кетаверса ерни ким ҳайдайдию, ким экин экади, бойларни ким боқади. Иккинчи шу нарсадан менинг ёнимда оғиз очакўрма. Ҳозир Кашишнинг ёнига бориб воқиани бошдан оёқ гапириб бер, гуноҳингни кечиришни сўра, шу қилган ишларинг учун сенинг жазонгни бериб қўйсин.

Шу кундан бошлаб Юозаснинг бахт қуёши ботди' тошдай оғир ғам юки юрагини қамраб олди.

Юраги ғам-ғуссага тўлиб кетган кезларда Юозас ўрмонга ё бўлмаса дарахтзорга бориб ўзининг энг севган қўшиқларини куйлар ва кўнглидаги қайғуни босмоқчи бўлар эди...

Юозас қариб бойнинг ерида ишлолмай қолганда дуо

китобини кўтариб қишлоқма-қишлоқ азаларда хизмат қиладиган бўлди. Одамлар уни боқар, аҳ'ён-аҳ'ёнда пул ҳам берар эдилар.

... Кембре чолнинг ҳикоясини эшитгач, унга тикилиб қарадим. У эман дарахтининг гадир-будир поясига суяниб ўтирар ва бошини тиззасига қўйиб ухлаётганга ўхшар эди. Лекин уйғоқ эди.

Бирдан ўрнидан турди, оппоқ бошини силкиди, кўзида ҳаёт учқунлари чақнади.

— Сталин... — деб бошлади чол тантана блан. — Сталин оддий одамларга қандай ажойиб ҳаёт берди. Агар мен ҳозир ёш бўлганимда, халқим учун куйлар эдим, озод мамлакатимни, Сталинимизни мақтаб қўшиқ айтардим. Энди товушим йўқ. Товушимдан ажралдим. Энди қўшиқ айтолмайман. Аммо болаларимиз, невараларимиз куйлашяпти ва яна куйлашади. Бу мени жуда қувонтиради. Бу мендай чолнинг қувончига қувонч қўшади.

У нима қиларини билмагандек бироз турди-да, кўлини бериб хайрлашгач, калтагига таяниб, гандираклаб йўлга тушди.

Мен анчагача орқасидан ғамгин бир вазиятда қараб қолдим.

Қаршимда туғилган қишлоғим чўзилиб ётади. Хув анави ерда, терак соясида икон ясайдиган Маркелиснинг қийшайиб кетган уйи, ундан нарироқда ажойиб ҳикоянавес Тапкунелиснинг эски уйи кўринади.

Озмунча талантили одамлар, халқдан чиққан озмунча талантили авлодлар ўз талантидан заррача ҳам из қолдирмай ўлиб кетганлар деган фикр ўз-ўзидан миямга келади.

Ўша оғир ва аччиқ кунлар бутунлай йўқолди деган фикрдан юрагим қувончидан типирчилайди.

1948\_йил.

Юозас Грушас

\*

### ТАРАДДУДАН СЎНГ

Новчадан келган, сариқ мўйлабли, қирқ ёшлар чамасидаги колхозчи Петрас Керайтис янги уйи атрофида айланиб юради. У ўзини жуда бахтиёр сезар, севинчидан кўзлари порлар, лабида табассум ўйнар эди.

Уй кечагина битган эди. Ҳашарга чиққан қўшнилари кўпириб турган пивони ичдилар, яхшилаб овқатландилар, унга бахтли ҳаёт кечиришни тиладилар-да, уй-уйларига тарқалиб кетдилар.

Ниҳоят Керайтис уйлик бўлди, Керайтиснинг ўз уйи бор. Хаёллар ҳақиқатга айланди. Бундан бирнеча ҳафта илгари бу ерда якка норот дарахти қаққайиб турар, аллақандай ёввойи кўкатлар ўсиб ётар эди. Энди бўлса — уй қад кўтарди. Уни ажойиб меҳнаткаш қўллар қурди.

Баҳор қуёши янги қурилаётган қишлоққа илиқ нурини сочмоқда. Ҳавода сосна пайрахалари ва ҳозир ёпилган иссиқ нон ҳиди анқийди.

Қишлоқда янги ҳаёт туғилмоқда...

Керайтис эшик тутқичини қувонч блан ушлаб тортди. Янги ўрнатилган эшикнинг, уй эгаси оёғи остида полнинг гичирлаши нақадар ёқимли. Уйнинг деразала-

ри нақадар кенг... Ниҳоят, Керайтис инсонга ўхшаб яшайди!

Керайтис ўгирилиб қаради. Мана бу ер даҳлиз бўлади, анави хона — ётоқ, мана бу ерга стул, напироққа шкаф қўяди. Ҳаммаси ўз жойида, ўз тартибида бўлади. Бутун умри очарчилик ва ифлосликда ўтгани етар. Хотини энди колхозда кўп ишламайди, уйда рўзғорга қараши керак. Уй-рўзғор ишига қараш унинг вазифаси-ку, ахир. „Худди шундай деб айтаман“, — деб ўйлаб қўйди.

Петрас Керайтис анчагача янги уйига завқланиб қарайди. Янги уйлик бўлган кишининг меҳнати яхши, келажак ҳақидаги хаёли ширин! Фақат нега хотинимдан дарак йўқ? У колхоз мажлисига кетганига анча бўлса ҳам ҳалигача қайтиб келгани йўқ...

\* \* \*

— Петрас, янги гаплардан хабаринг борми? — деди хотини уйга кираётиб қувонч блан, — мен юқори ҳосил олиш бригадасига ёзилдим. Хўш, яхши қилибманми?

Унинг қипқизариб кетган юзларида табассум ўйнар, қоп-қора киприклари остидаги қўй кўзлари голибона чақнар эди. Эльза ўрта бўйли, кенг яғринли бақувват ва эпчил хотин эди.

— Сена?! Шунинг етмас эди! — деб юборди Петрас норозилик блан.

— Ҳа, мен, — деб жавоб берди хотини. — Бизлар ҳақиқий ишлабчиқариш бригадаси туздик, мана шу бригадамиз ҳамма участкаларда юқори ҳосил олиши керак! Колхозларда меҳнатни уюштиришнинг энг тўғри йўли шу, раис шундай деб айтди.

— Шунинг учун ҳам уйга кеч қайтибсан-да. Назаримда, — кунинг ўша ерда ўтиб кетадиган кўринади...

— Нима, ё сен колхозимиз юқори ҳосил олишини истамайсанми?

— Бўлмагур нарсани гапирма! — деди Керайтис жаҳл блан. — Бригада учун сендан ёшроғи топилиб қолар.

— Нима, мен қариб қолдимми? — деб сўради хотини қизишиб.

— Гап ундамас... Сен ҳамма ерда биринчи бўлишни истайсан. Сра бир жойда ўтиролмайсан, югурганинг, югурган. Сен уй хўжайинисан тушунасанми?

— Албатта тушунаман, — деди хотини жиддий. — Кўп ишласак, кўп оламиз.

Буни ёш бола ҳам билади. Бултур кўп меҳнат куни ишлаб, кўп ғалла олганимизда севинган эдинг. Нима, бу йил ғалла керак эмасми? Хўш уйни қандай қурдик? Бизга ким ёрдам қилди? Шуларни унутдингми дейман-а...

— Ким ёрдам қилгани равшан, — оғир жавоб берди эри. — Худди мана шундай хўжаликка яхши уй эгаси керак. Кўрдингми, ҳамма нарса сочилиб ётипти, шуларни тартибга солиш, йиғиштириш, ювиш, тозалаш лозим. Бир вақтлар бошқаручи айтганидек уй роҳатбахш бўлсин. Энди бизлар ҳам инсон қиёфа яшайдиган вақт етди.

— О, албатта, — деди хотини ҳазиломуз. — Агар кўнглингга хуш келиб қолгудек бўлса, деворларга рангли қоғозлар ёпиштирамиз. Бунисини менга қўйиб беравер...

— Бор, яхшиси ўша бригададан ўзингни ўчиртириб кел.

— Буни хаёлимга ҳам келтирмайман. Хафа бўлсанг, бўлавер!

— Мен сенга айтапман: бориб ўзингни ўчиртириб кел! — қизишабошлади Керайтис.

— Мен сенга жавоб бераяпман: Бормайман!

— Мен сенга буюрганимда, гапимга қулоқ солмасликка нима ҳақинг бор?

— Петрас, — деди хотини жиддий, — нотўғри ганираяпсан. Ўзингни нотўғри тутаётганингни одамлар ҳам



кўриб туришибди... Бугунги мажлисда сени роса танқид қилишди.

— Мен нотўғри гапираяпманми? — қизишди Керайтис. — Яхши, ҳозир ўзим колхоз раисининг ёнига бориб сени рўйхатдан ўчириб қўйишини талаб қиламан. Қиламан дедимми, қиламан... Балки бунга ҳам ҳақим йўқдир? Кўрамиз, қайсибиримиз ақллироқ эканмиз. Кўрамиз...

Керайтис раис ёнига кетди. Йўл-йўлакай: ҳарҳолда яхши иш бўлмаяпти-да, деб ўйлади. Хотини эри блан бемаслаҳат мажлисма-мажлис юради, бригадаларга ёзилади... — Шуларнинг ҳаммасини раисга айтаман. Унга очиқ-ойдин қилиб: мен унинг қонуний эри бўлишим сифати блан... Худди шундай дейман. Худди шунинг учун ҳам, бўлмаса турли-туман бахслашувлару ишонтиришлар бошланади...“

Керайтиснинг боши ғовлаб кетиб, аччиғи халқумига келган эди. У раисни ишонтираоладиган, ўзини уятга қўймайдиган жиддий ва асосли сабаблар қидирар эди. Бироз букилган новча қоматли Керайтис рўпарасига тикилиб, ҳечнарсани сезмай борар эди.

Бутун атрофда ёрқин ва ширин ҳаёт қайнайди. Даланинг аллақайси бошида қўшиқ жаранглайди, трактор гувуллайди. Пичанхона ёнида эркакларнинг баланд овози эшитилади, хотин кишининг шўх кулгиси унга қўшилади.

Кун жуда сокин. Ҳарбир товуш қишлоқнинг узоқ-узоқларигача бориб етади. Қуёш қишлоққа, майна сайраётган ва болаларнинг шўхчан товушлари эшитиляётган дарахтларга ўзининг ёрқин нурини аямай сочади.

Бирдан Керайтис бошини кўтарди-да, сесканиб кетди. У ўз хаёлига шунчалик берилиб кетган эдики, қишлоқнинг охирига, бир вақтлар помешчикларнинг батраклари яшайдиган ярим хароба тупроқ деворли уйга бориб

қолганини ҳам билмай қолди. Бу ерда унинг кўп умри ғам-ҳасрат ва азоб-уқубатда ўтди.

— Тфу!—туфлади Керайтис. — Қаерга келиб қолибман-а? Бошқа йўлдан кетибман... Ла'нати эски одат...

У, ўз ўтмишининг мана шу жирканч гувоҳига данг қотиб қараб қолди.

Унинг ўзи ҳам батракнинг ўғли бўлиб қора уйда ўсди. У онаси айтганидек нони зўрға икки кишига етадиган оилада саккизинчи оч оғиз эди... Оиланинг саккизинчи а'зоси ярим оч ҳаётнинг бутун оғирлигини бешикдалигидан сездди. Барча азоб-уқубатлар, ғам-ғусса ва жабри-жафоларнинг кети йўқдек кўринди...

У эндигина юрар-юрмас, уни шу қишлоқлик бир кулакка малай қилиб беришди. У ғоз боқар ва меҳнат ҳақи учун ҳар сезонига икки пура<sup>1</sup> картошка олар эди. Бу камбағал оилага ҳарна дармон бўлар эди.

Лекин эрта азонда туриш нақадар машаққат эди-я! Қоқилиб-суқилиб, йўл-йўлакай мудраб ғоз галасини даланинг нариги бошига ҳайдар эди. Бир куни ёввойи нок дарахти тагига ўтириб мудраб кетди. Фақат бир нафасга мудраган Керайтис уйқу аралаш елкасида аччиқ оғриқ сездди. Рўпарасида хўжайин хипчин кўтариб турар, бахтиёр ғозчалар эса нарироқда баҳорги экинларни чўқилагоқда эдилар.

Уша хипчин излари ҳозир ҳам елкасида кўринар, биринчи марта одамлардан безгани ҳали ҳам ёдида эди. Худди кечагина бўлиб ўтгандек-а!... Хипчин блан саваланган бола йиғлаб онаси ёнига келди, хўжайин ёнига қайтишни сра истамеди.

Лекин унинг меҳрибон онаси жуда қизиқ иш қилди: жаҳлдор „амаки“ни уришиш ўрнига, болани роса қаргади, ҳатто тутиб олиб урди, бунинг устига ҳар уришда: „Агар яна ухлаб қолсанг терингни шилиб оламан!“ деб

<sup>1</sup> Пура — оғирлик ўлчови (80 килога яқин).

дўқ қилди. Эрталаб онаси уни жуда барвақт уйғотди, ярасига аллақандай мой суртди, кийинтирди... Лекин Керайтис хафақонлик блан онасига қараганда, онаси ўзини тутиб туролмади: ўғли ёнига тиз чўкиб шундай хўнграб йиғлаб юбордики, Керайтис қўрқиб кетди.

Кейин бутун умрида ҳечқачон бировнинг шунчалик хўнграб йиғлаганини эшитмади...

У анчагача одамларнинг нега бунақа ёмонлигига тушунолмай қолди. Раҳмдиллар камдан-кам учрар, кўплар — бировнинг азоб чекишини кўрганларида севи-нар эдилар. Фақат каттароқ бўлгандагина, дун'ёда икки лагерь: ҳамма нарсаси бор ва ҳарнарсаси қилиши мумкин бўлган бойлар, ва ҳечнарсаси йўқ, бутун умрини бойларга хизмат қилиш блан ўтказиб, эвазига алам ва ҳақорат оладиган камбағалларга бўлинишини билди.

Унга ҳам жуда кўп алам тортишга тўғри келди. Лекин бир марта қасдини ҳам олди.

Ўша вақтларда ёшгина бойникида батраклик қилар эди. Йил охирига етганда хўжайин Петрасни ўз уйида ишлаб юрган қизнинг гапини судда ёлғонга чиқаришни таклиф қилди. Петрас рози бўлмади. Ўшанда хўжайин уни ўғирликда айблаб иш ҳақини бермади, қизни эса ҳайдаб юборди. Судда кулак оқланди ва анча вақтгача қиз блан батрак ҳақида ярамас гаплар тарқатиб юрди. Петрас адолат йўқлигини, ҳатто суд ҳам кулак тарафдо-ри эканини тушунди. Ўзининг собиқ хўжайини шаҳардан маст бўлиб келаётганини пойлаб, Петрас уни роса дўппослади...

— Оҳ, жуда оғир кунлар эди!.. — деб пичирлади Петрас. У атрофга аланглаб энг яқин йўлни ахтарди, девордан ошиб тушди ва тўппа-тўғри полизлар блан юриб, колхоз раисининг уйи томон йўл олди. У уйда бир вақтлар кулак яшаган эди.

Бу ерда Петрас ҳарбир сўқмоқни, ҳарбир қариш ерни яхши билар эди.

Петрас мана шу уйда ўн йилдан ортиқ батраклик қилди. Эрта азондан, то қора кечгача хотини блан мана шу ерда ўн йил қадди букилди. Чуриндиларни ямар, чориқ тўқир, қуруқ пон кавшаб устидан сув ичардилар.

Батраklar яшайдиган қоп-қоронғу зах барақда унинг бир ўғли ўлди, кейин иккинчиси — доктор узоқда эди, ундан ташқари докторга тўлаш учун пул ҳам тополмади. Қишлоқ фельдшери, батракнинг ўғилларини қарагач, „жаноб докторни безовта қилмаслик“ни маслаҳат берди — барибир фойдаси йўқ. Қуруқ уй, яхши овқат-ёғ, сут керак. Шуларни қаердан олади? Отанинг юраги қон бўлиб оқди. Кечалари ўзини ҳарёққа урар, тақдирни қарғар, уйқисиди сакраб турар, аллакимга пўписа қилар, эрталаб эса мўмин-қобил бўлиб қолар, ҳўкиздеқ ишлар эди.

Лекин яхши турмушга бўлган умид учқунлари юрагининг аллақаерида ҳамон сақланар, ўч олиш тилаги эса борган-сари кучаярди. Петрас дун'ёда жабр ва зулм, қуллик ва ноҳақликни йўқ қилиб, меҳнаткаш халққа ёрқин ҳаёт бахш этадиган куч борлигини эшитар эди. У шуни билар, кутар, кўз тутар эди...

Мана, ниҳоят, Литвада капиталистлар ҳокимияти йўқ қилиниб, Совет Литвасига айланган кун ҳам келди. О, бу қандай бахт! Унга ер бердилар, у умрида биринчи марта ўзини инсон деб ҳис этди! Кейин уруш бошланди, фашист босқинчилари бостириб кириб халқни азоблади, ўлдирди — Литва устида яна қоронғи кеча ҳукм сурди. Лекин бу кўпга чўзилмади. Сталинча голиб армия фашистларни енгди, озод Литвада ҳаёт гуллаб кетди. Керайтис ҳам энди батрак эмас, озод ва тенг ҳуқуқли, ўзига ва ўз кучига ишонган гражданин.

Мана, раиснинг уйига етиб ҳам қолди! „Бу ерга нима учун келдим-а?“ Керайтис тараддуланиб тўхтаб қолди.

Лекин тараддуди узоққа чўзилмади. Керайтис эшик тутқичини маҳкам ушлаб очдию, дадил ичкарига кирди.

Паст буйлик, кенг яғринлик раис:

— Қаңдай яхши хабар блан келдинг? — деб сўради. Унинг ўзи ёш бўлса ҳам чаккасидаги сочлари оқариб кетган эди.

— Ана шу юқори ҳосил берадиган ишлаб чиқариш бригадасига ёзиб қўйишингизни илтимос қилгали келдим, — деди Керайтис раиснинг жиддий юзига қараб.

— Жуда соз, жуда соз, — жилмайди раис, — хотининг бўлса ёзилгани учун сен уришасан деб қўрқиб юрган эди.

— Йўғе! — Керайтис уялди. — Уришиш дейсизми? Бунақа иш учун фақат аҳмоқ одам уришади.

— Йўқ, хотининг бу гапни ҳазиллашиб айтди. Лекин, мен ҳам кейинги вақтларда сенинг ўзгариб қолганингни сезаяпман...

— Мен уй қураётган эдим, — Керайтис ерга қараб туриб гапирди. Балки мана шу сабабли шундай бўлгандир... Ўзимни қаёққа уришимни билмай қолган эдим...

— Биламан, оғайни, — жиддий гапирди раис. — Агар тўғри йўлдан бораман десанг, аввал ўз ишингни эмас, колхоз ишини ўйла. Шундай қилсанг шахсий ишинг ҳам фойда қилади. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ раис. Ҳаммасини тушундим, — қизгин жавоб берди Керайтис. — Мана шуни мен ҳозиргина яхшилаб аниқлаб олдим...

\* \* \*

Керайтис уйга қайтиб келгач, хотинини қучоғига олди-да:

— Эльзюттагинам, мен ҳам худди ўша сен ёзилган бригадага ёзилдим... — деди.

Улар бир-бирларига қарадилар-да, қувониб жилмайдилар. Уйдаги барча нарсалар уларга қараб табассум қилаётгандек туюлди.

1950 йил.

## Александр Баужа

\*

### ЗАВОДДА

1

Степас Толутис блан Дануте Галините ҳамавақт заводдан бирга қайтадилар. Дануте цехдан чиқаётганидаёқ кўчага чиқадиган йўлакда Степас кутиб турганини билар эди. Агар Дануте илгарироқ чиқиб қолса завод дарвозаси ёнида беҳосдан тўхтайтиди.

Завод корпуслари шаҳарнинг жануби-ғарб қисмида, Данге дар'ёсининг нариги томонига жойлашган.

Сменадан чиққан ишчилар аввал тўда-тўда бўлиб бордилар. Кейин йўл айрилишига етганларида ҳар тарафга тарқалиб кетдилар.

Степас блан Дануте тўғрига қараб юрдилар, уларнинг йўллари шаҳар марказигача борар эди. Улар ўзлари юрмаётгандек, хушчақчақ одамлар оқими уларни оқизиб кетаётгандек туюлар эди.

Дар'ё бўйидан ўтиб Малка кўчасига томон йўл олдилар. Бу ерда йўловчилар кам бўлиб, шўх-шўх луқма ташлашгина эмас, ҳатто кўнгилни ёзиб гаплашиш мумкин.

Ён томондаги кўчага бурилганларида Дануте шўҳи дуррасини ечди, бошини силкиди, олтин сочлари ёйлиб тушди. Кўчадаги фонарь ёруғида Данутенинг юзи ёнаётгани кўришиб турди. Дануте бошидан ечиб олинган дуррасини қўлида силкиб, бошини бир томонга эгиб дўстининг сўзини тинглар эди. Ниҳоят жим туролмай шўхлик блан:

— Степас, нуқул заводдан гапирасан! Наҳотки заводдан бошқа дардинг бўлмаса? — деди.

Степас ранжиб Данутега қаради.

— Агар тинглашни истамасанг, гапирмаслигим ҳам мумкин, Дануте,— у елқасини қисди, гуноҳ қилиб қўйган кишидек жилмайди. Икковлари аллақачонлардан бери дўст тутунганларига қарамай, у Данутедан ҳайиқар эди.

Дануте қадамини тезлатди. Унинг келишган қомати Степасдан узоқлашди. Нимага аччиғланди экан? Балки ўтган гал айтган гапига жаҳли чиққандир? Степас қанотини ёзаётган камзулининг тугмасини йўл-йўлакай қадаб Данутега етиб олди, яна ёнма-ён кетишди. Дануте гапирмас, Степас эса гап тополмас эди.

Кеча Данутени кузатиб кетаётганда, Данутега сочи олтинга ўхшашлигини айтган эди. Ўшанда Дануте индамаган, Степас эса унинг жаҳли чиқди деб ўйлаган эди. Степас қизариб мингиллади:

— Биласанми, Дануте... Жаҳлинг чиқмасин... Бу ҳақда энди ҳеч оғзимни очмайман.

Дануте Степаснинг забардаст кафтида ётган қўлини олмас, Степас бўлса ҳозир у қўлини тортиб олиб қочиб кетади, орамиздаги яхши муносабат бузилади деб ўйлашдан тийилмас эди.

Дануте ўзининг кафти ўт бўлиб ёнаётганини сезар, ўз ҳиссини билдириб қўйишдан қўрқиб Степасга қарамасликка тиришар, яна нималар гапирар экан деб кутар эди. Лекин Степас ҳечнарсга демади, йўл бўйи миқ

этмади, Данүтенинг уйига етганларида индамай унинг қўлини қисди.

Дануте Степас ҳозир аввалги кунги гапни давом этдирар деб ўйлади. Шунчалар юраксиз бўлиш яхши эмас-ку, ахир! Лекин Степас завод ҳақида гапириш ҳам тақикланди деб ўйлаган бўлса керак, миқ этмасдан, Дануте блан баравар қадам ташлашга тиришиб ёнма-ён келди.

Ҳавода денгиз ҳиди анқийди. Иккови ёшлигиданоқ ўрганиб қолган ана шу шўртак ҳидга Данге дар'ёсининг нариги томонида турган катта баржаларга суртилган ўткир смола ҳиди қўшилади. Баржаларнинг қопқора ёнлари ёғлангандек ялтирайди. Аллақаердан, узоқдан буксир катерининг қичқириви эшитилади, заводнинг гиштин корпуслари акс садо қайтаради.

Фонарьлар қирғоқдаги кўкимтир тошларни, кўприкни ёритади. Ёшлар салқин куз ҳавосини кўкракларини тўлдириб ютадилар. Данутенинг икки бети қизарди, сочлари эса нам ҳавода бронза тусини олди.

Дануте тўсатдан Степас томонга ўгирилиб, кўзларига тикилди:

— Нега индамайсан, Степас?— деб сўради.

Степас чўчиб тушди, нима дейишини билмай қолди.

— Нима тўғрида гапирай?

— Нима тўғрида гапиришни истасанг, ўшани гапир, Степас,— деди қиз меҳрибонлик блан уни қўлтиқлай туриб.

Улар Малка кўчасига бурилишди. Уйга ҳам етиб қолишди.

— Дануте, мен кетмоқчиман,— зўрға гапирди Степас бир томонга тикилиб.

— Кетаман дейсанми?— бирдан тушунмади Дануте.— Қаерга кетасан, Степас?

— Заводдан кетаман.



Бу гаплардан ҳайрон бўлган қиз тўхтади. Кўм кўк кўзлари катта очилди. Қўлидаги шоҳи дуррасини ги-жимлади.

— Заводдан кетмоқчисан?— Дануте қўлини чиқарди, гўё Степас уни бутунлай ташлаб кетаётгандек йўл ини тўсди. — Нималарни ўйлаб чиқардинг?

Степас уялиб жилмайди.

— Шундай қилсам яхши бўлар деб ўйламади,— деди у Данутенинг кўзига қарамасликка тиришиб.

— Бу нима қилиқ! Шундай ажойиб заводдан кетиш-нинг нима кераги бор?

Дануте станок ёнида турган Степасни кўз олдига келтирди. Мана шу уятчанг йиғит станок ёнида ишлаётганда бутунлай ўзгариб кетар эди. Унинг миқти дан келган, бироз беўхшов қомати росланар, уятчанг лиги изсиз йўқолар, юзи жиддий ва тантанали тус олар эди. Цехда энг яхши токарълардан деб ҳисобланиши бежиз бўлмай, унинг Дануте яхшилаб зеҳн солиб ўрган ган расми „Ҳурмат тахтаси“ да осилган эди. Степас заводдан кетиб нима қилар экан-а?

Данутенинг ёдига бошқа нарса тушди. Икки йил илгари биргаликда комсомолга ўтганлар. Степас таржи-майй ҳолини айтатуриб сочини ўйнар, Дануте сингари унинг ҳам ёшлиги шу шаҳарда ўтган бўлиб, уларнинг мустақил ҳаётлари мана шу заводдан бошланар эди. Бирга иш ўрганган, бирликда комсомолга кирган заводдан кетиб бўладими?

— Ўйлаб гапираяпсанми?— сўради Дануте ингичка қошларини чимириб. У дўстининг доимо тортиниб туришига ўрганиб қолган. — Қаерга кетасан?

— Билмайман. — Ниҳоят Степас қиз кўзига дадил қаради, кўзини ундан узмади. — Ўзинг ўйлаб кўр, Дануте. Мен охиригача етдим...

— Нега? Сенга нима бўлди?

— Станогим менга бошқа ҳечнарсa беролмайди! — деди Степас ишонч блан. — Мен унинг ҳарбир винтига-ча билиб олдим. Ҳаммасини билдим. Тамом!

Дануте Степас бутунлай бошқа ҳақда, ўзлари ҳақида гапирар деб ўйлаган эди.

— Тезликни ошириш ҳақида жуда кўп ўйладим. Чертёжлар блан шуғулландим. Дануте, ҳечнарсa чиқара-олмадим. Фундаментни ўзгартириш керак! Эски фунда-ментда тезликни оширишнинг иложи йўқ.

Дануте қипқизариб кетган Степасга тикилиб:

— Шунинг учун заводдан кетмоқчимисан? — сўради ҳайрон бўлиб.

— Шошма, ҳаммасини гапириб бўлганим йўқ. Сову-тиш системасини ўзгартириш керак.

— Ўша совутишни деб қизишиб кетиб ҳамма нарсани ташламоқчимисан? — ҳазиллашди Дануте. У анча енгил тортгандек бўлди: фундаментни мустаҳкамлаш ё бўлма-сам совутиш системасини яхшилаш учун заводдан кета-диларми? Дануте Степасни яна қўлтиқлади-да, ишонч блан: — Заводдан қочиш керак эмас, таклиф киритиш лозим, — деди. — Бояги ташвишини яширмай давом эт-ди: — Мен бўлсам, мени бутунлай ташлаб кетар экан-сан деб қўрқиб кетибман! Сра жаҳлим чиққани йўқ, сен бекорга шунақа деб ўйлаб юрибсан.

Лекин Степас унинг охириги сўзларини эшитмагандек кўринди. У миқ этмай лабини тишлар эди.

— Гапимни эшитдингми, Степас? Таклиф киритгин!

Степас қизга қаради, чуқур уҳ тортди, кейин бошини эгиб жавоб берди:

— Уч ҳафта бурун таклиф киритган эдим.

— Нима бўлди?

— Ҳечнарсa...

— Инженер Маюс блан гаплашдингми?

— Йўқ, — қовоғини солиб жавоб берди Степас. — У блан нима ҳақида гаплашаман?

— Бу нима деганинг? — Ҳайрон бўлди Дануте. — Таклиф киритиштию, ўзи заводдан кетмоқчи бўлади. Станокни рационаллаштириш тўғрисида таклиф киритадию, ўзи бўлса инженер блан нима ҳақида гаплашаман деб ҳайрон бўлади. Бу йигитга бир нарса бўлганми ўзи...

Қиз жавоб топмоқчи бўлиб унинг кўзига қаради. Степас бу қарашга чидолмай кўзини ерга тикди. Данутега нима ҳам деяолади? Таклиф киритаётганда Дануте энди мендек дўсти борлиги блан фахрланади деб ўйлаган эди. Шу кунларда Степас фақатгина ўз таклифи ҳақидагина ўйлар эди. Қилган таклифини, Данутени ўйлар эди, ётганда ҳам, турганда ҳам мана шуларнигина ўйлар эди. Инженер Маюс цехга кирганда Степас станокдан бошини кўтармас эди. Степас Маюс ҳозир менинг ёнимга келиб: „Сиз ҳаммасини ўйламабсиз, ўртоқ Толутис“ — деб айтади дея қўрқарди. Унинг кеча-кундузлар ардоқлаган хаёлини мана шу инженер Маюс, новчадан келган, муғомбир кўзли, индамас чол йўққа чиқариши мумкин. Бир дақиқа ичида йўқ қилиши мумкин. Лекин буни Данутега қандай қилиб айтади. Ахир Степас иш бутунлай бошқача бўлади деб ўйлаган эди: икковлари заводдан қайтаётганларида Степас қўққисдан: „Дануте, инженер Маюс менинг таклифимни қабул қилди. Станокни янгидан қурамиз“ дейди. Ушанда Дануте тоза ҳайрон қолар эди-да! Энди нима дейди? Ўз кучига ўзи ишонмаслигини, бутун хаёли пучга чиқаётганини айтадими?

Дануте унинг индамаётганига чидолмади.

— Нега инженер Маюс блан бу ҳақда гаплашмайсан? — суриштиришда давом этди Дануте.

Степас бошқа томонга кўз югуртирди, иккиланиб жавоб берди:

— Билмадим... Шундай гаплашгим йўқ.

— Бўлмаса, комсомол комитетига бор, Дабшис блан гаплаш.

- Қўйе, Дануте!
- Бўлмаса Маюс блан гаплашасан?
- Ҳйлаб кўраман...

Гашнинг оҳангидан Дануте Степаснинг бу саволлардан ўзини четга тортаётганини сезди. Шунинг учун қат'ий қилиб:

— Яхши, инженер блан гаплашмай қўяқол. Унинг ёнига ўзим бораман!— деди.

— Дануте!

— Мен борсам нима бўлипти? Ахир икковимиз дўст-миз-ку. Сен киритган таклифнинг бажарилиш-бажарилмаслиги мени қизиқтириши мумкин-ку.

— Керак эмас, Дануте, шундай қилсанг, кейин мен у блан гаплашишга ҳам уяламан. У мени мазах қилиб: ўзи келишга юраги бетламай қиз болани юборипти деб юради.

— Хўп сенингча бўлсин, бормаيمان,— деди Дануте кўнгли юмшариб.

Кулранг бўёқ блан бўялган, пастаккина уй ёнига келганларида қоронғи тушиб қолган эди. Кўчадаги фонарь вақт ўтиши натижасида қорамтир тусга кирган черепицали томни ёритиб турарди. Клен дарахтининг барглари тўкилиб яланғочланган шохлари томга қуюқ соя ташлайди. Шамол дарахт новдаларини силкигани сабаб, уй ҳам чайқалаётгандек кўринади. Бу — Клайпедда ҳозирга давр сақланиб қолган эски уйлардан бири эди. Бу уй бошқа уйлардан фарқ қилмас эди. Лекин Степасга шу кўчадагина эмас, ҳатто бутун шаҳарда ҳам бундай чиройлик уй йўқдек туйилар эди. Чунки бу уйда — Дануте яшар эди.

Степас кўчадан ўтиб кетаётганда мана шу уйнинг деразасига қарар, агар деразаларнинг бирида қиз боланинг келишган қомати кўзга чалингудек бўлса кўчанинг нариги бетида туриб шу уйдан кўз узмас эди.

Улар кўмкўк, боқча ёнида тўхташди. Дануте Степас яна нима деяр экан деб кутиб турди, Степас эса ўнггайсиз ҳаракат блан қўлини узатиб:

— Бўлмаса мен кетдим, Дануте, — деди-да, Малка кўчаси блан йўлга равонабўлди. У шу кўчанинг нариги бошигача юриши керак эди, чунки унинг уйи Мельнераге ёнида эди.

Дануте Степас ғойиб бўлгунча кўзи блан кузатиб турди, кўча эшикни очди, кейин зинадан югуриб чиқиб уй эшигини тез-тез қоқди. У онаси кутиб ўтиргангани билар эди. Эшик очилди, онаси меҳрибонлик блан:

— Кирақол, Дануте, жуда кутдириб қўйдинг, — деди. У қизидан илгари ишдан қайтар эди. Чунки Дануте блан Степас қайтишда энг узоқ йўлни танлар, шошилмай секин-аста юрар эдилар.

Плитадаги ўтин чирсиллаб ёнади. Салқин ҳаводан келиб иссиқ уйга кирган Данутенинг тани жунжикди, иссиқ ҳаво ўраб олди. Плита ёнидаги табуреткада ўтирган қора мушук Дануте кириши блан чаққонлик блан сакраб жойидан тушди, Дануте ёнига келди, думини хода қилиб ўзича минғирлаб оёғига сурканабошлади. Мушук ҳаркундагидек Дануте энгашади, қулоғимнинг орқасини қашиб эркалайди деб ўйлаган эди. Лекин Дануте ўз хаёли блан банд бўлгани учун эркатойига парво қилмади. Мушук эса ранжигандек сакраб табуреткага қайтиб чиқди, плитада гуриллаб ёнаётган олов иссиғида чўзилиб исинди.

Онаси заводдаги ишлар ҳақида суриштирабошлади.

— Ҳеч гап йўқ. Ишлар жойида, — деди Дануте паршонлик блан.

Овқатланиб бўлгач ётди. Одатда дарров ухлаб кетар эди. Лекин бугун Степас блан бўлган суҳбати қайта-қайта эсига тушаверди. Ҳамма Степасга ўхшаш тортинчоқ бўлса ярамайди. Агар Степас инженер Маюс блан сўзлашишга ботинмас экан Дануте бориб гапла-

шаверади. Ахир бу Степасагина тегишли масала эмаску. Бу масаланинг бутун заводга алоқаси бор. Агар станокларни ҳозиргидан ҳам тезроқ ишлайдиган қилинса, завод ўз планини муддатидан илгари бажаради-ку. Шундай таклифни уч ҳафта тутиб туриш яхши эмас! „Уч ҳафта“, — деб фикридан ўтказди Дануте уйқуга кетатуриб.

## 2.

Эртаси куні Дануте юқори қабатга, инженер Маюс кабинетига бирнеча марта чиқди. Ҳар гал эшикни оҳиста тиқирлатар, очар, мўралаб қарар, лекин кабинет бўш бўлар эди. Дануте цехга, ўзининг қарағай ҳиди анқиб турган оқ яшчиги ёнига югурар эди. Унинг нозик, эпчил бармоқлари детальларни жойлашга киришарди.

Дануте мана шу ёрқин цехни жуда яхши кўрар эди. Каттакон деразадан қуёш мўралаб қарар, бир текис тизилиб турган қатор яшчикларга нурини сепар, янги қирқилган тахталардаги мунчоқ-мунчоқ бўлиб қолган шаффофдек шираларда ўйнар эди. Тўқмоқлар тез-тез урилиб турарди.

Цехда ишлайдиган қизлар ўзаро сўзлашади. Лекин гаплари ишга халал бермайди. Уларнинг бармоқлари керакли детальни чаққонлик блан олар, жойлар эди. Яшчик тахта блан ёпилар эди. Мих эса тўқмоқ блан бир уришдаёқ қоқилар эди. Иш дўстона шароитда тез-тез битиб турса кўнгил очилади.

Аммо Дануте миқ этмади, инженер Маюснинг қаёққа йўқолганига ҳайрон эди. У бир марта директорнинг кабинетига ҳам қараб боқди, лекин Маюс у ерда ҳам кўринмади.

Гудок чалиниб, қизлар тўп-тўп бўлишиб дарвоза томон йўл олганларидагина Дануте бўйчан инженерни кўриб қолди. У директорнинг ёнида кетмоқда эди.

Унинг ёнига боришга Данутенинг юраги бетламади. У хаёлини бир ерга тўплаб, дарвоза ёнида Степас кутиб тургандир деб ўйлаб орқароқда борди. Лекин инженер блан ҳам гаплашиши керак-ку ахир. Қандай қилиб уни тўхтатсин? Яхши эмас. Ахир у директор блан сўзлашяпти-ку. Агар Степас киритган таклиф қимматли эканини аниқ билганда директор ҳузурида ҳам гап очаверарди. Бирдан инженер Степас ўз таклифини пухта ўйламаган деб айтсая. У ҳолда Дануте Степасни директор олдида уятга қолдиради-ку.

Маюс тўхтади, директор блан хайрлашди. Дануте ҳам тўхтади, хуфия каби инженер кетидан пойлаб юрганига кулгиси қистади.

Инженер икки қабатли, баланд черепица томли уйнинг эшигига кирди.

Дануте бирнеча секунд турди-да, кейин инженер кетидан кирди. Таваккал, нима бўлса бўлар! Мана: „Инженер Маюс“ деб ёзилган тахтача. Дануте қўнғироқнинг қора тугмасини босди. Шошилмай, судралиб келаётган оёқ товуши эшитилди, букчайган кампир эшикни очди.

— Инженер ёнига келдингизми? — деб сўради у, одамларнинг келиб-кетишига ўрганиб қолган эди. — Кириг.

— Мен фақат бир минутга келдим, — деди Дануте тортиниб.

Лекин кампир унинг гапига парво қилмади, ён томондаги эркаклар товуши келаётган эшик ёнига борди.

— Андруюс, сени сўраб келишди.

Дануте суриб қўйилган стул ва тез-тез юриб келаётган оёқ товушини эшитди. Эшик ёнида баланд бўйли инженер пайдо бўлди.

— Мени сўраб келдингизми? — инженернинг ёшларники сингари ярқироқ кўзи оппоқ бароқ қош тагидан тикилиб турарди. Бу қараш қизнинг ич-ичигача ўтиб

кетгандек бўларди. Данутенинг назарида инженер унинг нимага келганини аллақачон билиб олгандек эди. Бирдан инженернинг қора кўзлари юмшарди, яшнади, жиддий қиёфаси ўзгариб меҳрибон, шафқатманд бўлди. — Қани, Галините, кириг. — Инженер уялиб турган Данутега пальтосини ечишга ёрдамлашиб, ичкарига киритди. — Қандай янгиликлар бор, Галините? Яна биронта таклиф киритгани келгандирсиз? — У далда бераётган кишидек жилмайди.

Уй жуда диловор эди. Стол устига ёйиб қўйилган чертёжларга, китоб шкафи ёнидаги паст стулда ўтирган кишининг оқ тушабошлаган соқолига стол чирогининг нури тушиб турарди.

— Доктор, танишиб қўйинг. Бу қиз Галините, энг уста жойлаштиручиларимиздан, — деди Маюс. — Ўтиринг, Галините, нима учун келганингизни тортинмасдан гапириб беринг.

— Мен фақат бир минутга келдим, — деди яна Галините.

— Нега бир минутга дейсиз? Келган экансиз, энди очиқ гаплашайлик. — У меҳрибонлик блан қизнинг елкасидан ушлаб ёзув столи ёнидаги стулга ўтқазди. Кейин бошқа стулни олиб келиб Данутенинг ёнига ўтирди. Қиз нимадан гап бошлашини билмай қизариб кетди. Олдиндан тайёрлаб қўйган сўзларини унутди. Қандай яхши гаплар ўйлаб қўйган эди-я.

— Ўртоқ Галините, мен ҳали текшириб чиққаним йўқ. Лекин таклифингиз ажойиб таклиф.

Дануте дарров қувониб кетди. Демак, инженернинг ёнига келиб бекор қилмапти. Энди Степас заводдан кетиш каби хаёлдан воз кечади. Эсизгина бу хабарни унга ҳозир етказишнинг иложи йўқ-да: одатдагича дарвоза ёнида кута-кута тоқати тоқ бўлиб кетиб қолгандир.



— Ўртоқ Маюс, илтимос қиламан сиздан, агар иложи бўлса шу таклифни тезроқ текшириб кўринг! — деди Дануте ҳаяжонланиб. — Иложи борича тезроқ кўриб чиқинг.

Қари инженер оталарча ғамхўрлик блан жилмайди.

— Хўп, Галините, қўлимдан келганча тезроқ текширишга ҳаракат қиламан.

Қиз хайрлашатуриб қўлини инженерга узатди, докторнинг қўлини қисди. Маюс қизни эшик ёнигача узатиб қўйиб, ўзини кутиб ўтирган доктор ёнига қайтдида, бошини чайқаб:

— Ҳозирги ёшлар жуда ғалати. Бир жойда сра ўтиролмайди. Ўзи ёшгина қизу, рационализациялаш таклифининг тақдири нима бўлди экан деб куйиб-пишадди... — деди. Қари инженернинг лабларидаги юмшоқ табассуми қизнинг бу ҳаракатини ғалати деб билмаслигини, бундан жуда мамнунлигини кўрсатиб туради.

Дануте зинадан югуриб тушди. Фақат шундагина юраги дукуллаб ураётганини сизди. Пастда бироз тўхтаб турди, нафасини рослади. Шундай қилиб бу таклифни тезроқ кўриб чиқишини илтимос қилишининг сабабини инженерга тушунтиролмай қолди. Зарари йўқ, инженер ўзи тушуниб олгандек бўлди.

Агар Дануте тун ярим кечадан ошганда инженер Маюс яшаган уй ёнига келганида эди, ёруғ деразаларни, ва мана шу деразаларнинг бирида ёзув столи тепасида энгашиб ўтирган инженернинг оқсоч бошини кўрган бўлар эди.

### 3.

Денгиз тарафда нам ҳаво сузади. Крайпеда ҳар кун эрталаб туман ичида қолиб кетади. Уйларнинг черепицали томлари қуюқ туман ичида кўринмай қолади. Эрталаблари қировда оқариб турадиган дарахтларнинг

яланғоч учлари паст бўлиб кўринадиган осмонга қараб чўзилади.

Кеч куз, совуқ. Дануте совуқ тушганини ҳам сезмай қолди; назарида вақт бир ерда тўхтаб қолганга ўхшайди. Завод дарвозаси ёнида энди уни ҳечким кўрмайди, дугоналари эса у ҳар вақтдагидек Степасни кутиб қолди деб хайрлашиб нотўғри қилишади.

Энди Дануте уйга ёлғиз қайтади, уйга борадиган йўлнинг охири йўқдек бўлиб кўринади. Кўприкка борадиган кўча; Данге устидаги кўприк; шамол эсиб турадиган қирғоқ; узундан-узоқ Малку гатваси. Мана шу кўчалардан юриб Степас блан бирга қайтган кезларида уйга етиб қолганларини билмай қолар эди; ўшанда Дануте йўлнинг яна ҳам узоқ бўлишини истар эди. Ҳозир эса шошқин қадамлар блан юрар, кўчалар бўлса худди тушдаги сингари борган сари чўзилар эди.

Степаснинг жим бўлиб кетгани Данутени хафа қилди. Дануте ишга келганда Степас аллақачон заводга етиб келган, заводдан уйга қайтаётганда эса ҳали ҳам цехида ишлаётган бўлар эди.

Шундай қилиб Дануте инженер Маюснинг ёнига кирганини ҳам Степасга айтолмади. Аввал айтгиси келмади, энди бўлса Степаснинг ўзини кўролмаётгани учун гапириш тўғри келмади.

Лекин Дануте Степасга аччиқ қилмас, чунки унинг ўз станогини қайтадан ишлашдан қўли бўшамаётганини тушунар эди.

Бу таклифни қўллаш масаласига завод комсомол комитетининг секретари Дабшис раҳбарлик қилар эди. Станок учун мустаҳкам фундамент ҳам тайёрлана бошлади. Степас блан Дабшис ишчилар яна бирон нарсани чатоқ қилиб юборишмасайди деб кечгача цехдан чиқмас эдилар.

Бир куни Дануте дугоналари блан бирга токарлик цехига кирди. Уларнинг келгани ҳечкимни ҳайрон қил-

мади. Энди токарьлик цехи заводда энг машхур цех бўлиб қолган эди. Ишчиларнинг кўпчилиги станокни ускуналаш иши қандай бораётганини кўриш учун кириб ўтар эди. Йигит металлни беш юз метр тезлигида қирқишга қарор қилипти, ахир бу ҳазилакам гап эмас-ку. Бундай тезлик ҳақида фақат газеталардагина ўқишган эди-ку. Степасга жуда қийин бўлади. Бир минутда етмиш метр ўрнига беш юз метр кесиш осон эмас. Бу—ишлабчиқаришни етти марта ошириш деган бўлади.

Степас ўз станогни ёнида турар эди. У завод комсомол ташкилоти ажратиб берган комсомол бригадасига алланарсани тушунтираётган эди. Степас сочини қисмлар, қизараётганини кўрган Дануте унинг асабийланаётганини сезди.

Дануте пичирлаб дугоналарига Степаснинг таклифи нимадан иборат эканини тушунтирабошлади. Дануте бу таклифни ишлашда ўзининг ҳам иштироки бор одамдек гердайиб гапирди. Ахир таклифни унинг Степаси киритган-ку. Тўғри, у ҳозирча Данутени унутиб қўйгандек кўринади. Лекин Дануте унга аччиқ қилмайди, ахир Степаснинг ишини бутун завод кутаяпти-ку. Дануте ҳам қўлини қўлтиғига уриб бекор ўтирмади-ку, ахир инженер Маюснинг ёнига бориб таклифни тезроқ кўриб чиқишни таклиф этган у эмасми?

Степас Данутенинг товушини эшитди, ярқ этиб унга қаради-да, яна беш баттар қизариб кетди. Лекин комсомоллар уни диққат блан тинглар эдилар. У, станокни дирилламайдиган қилиш учун қандай қилиб ўрнаштириш кераклигини тушунтирарди. Степас шу кунларда тез кесиш ҳақида ёзилган кўп брошюраларни ўқиди, Генрих Борткевич блан Павел Биков каби донғи кетган токарьларнинг иш тажрибаларини ўрганди. У бир минутда беш юз метр металл кесиш ўрганиб қолган одамдек аниқ, кесишни гапирар эди.

Инженер Маюс келди. Дануте инженернинг юзидаги табассумни кўрди, ўзи ҳам жилмайди. Степаснинг таклифида Данутенинг ҳам иштироки борлигини фақат инженергина билади.

Дануте комсомол ташкилотининг секретари Дабшининг:

— Хўш, қизлар, станок сизларни ҳам қизиқтираяптими? — деган товушини эшитди.

У ўгирилиб қаради, секретарьнинг очиқ юзига қараб қувлик блан:

— Фақат бизларнигина эмас, заводдаги бутун ишчиларни қизиқтиради, — деб жавоб берди.

— Ўзимизнинг комсомолимиз қилаётган иш-да! — деб шовқин солишди қизлар. — Станокни қайтадан ускуналашгандан кейин ишлаб чиқариш бирнеча марта ошади дейишгани ростми?

— Рост, рост! — Дабшис саволларга жавоб беришга зўрға улгурарди.

— Энди биз ҳам детальларни тезроқ жойлаштиришимиз керак, — деди қизлардан бири. Кейин, шунинг уддасидан чиқишармикин деб ўзининг нозик бармоқларига қаради.

— Комсомолларимиз жуда тез ўсаяпти! — деди Дабшис ўйчан. Степас заводимизга ишга келганда жуда ёш эди, эсингизда бордир-а? — У Данутега ўгирилди. — Сен ҳам ёш қиз эдинг. Ўша кузда икковингиз ишга баравар кирган эдингиз шекилли? Энди ёшларимиз ишлабчиқаришнинг ҳақиқий хўжайинлари бўлишаяпти.

— Барибир хавотирдаман, — деб пичирлади Дануте. Дабшис унга тикилиб қаради.

— Нимадан хавотирдасан, Дануте?

Дануте бармоқларини қаттиқ қисди-да, секингина деди:

— Дабшис, бирдан станок кучсизлик қилиб қолсая? Ҳалигача ҳечким шунақа тезликда ишламаган эди...

Дабшис жилмайди.

— Кучи етади! — деди у ишонч блан.

— Биз жуда кўп синаб кўрдик. Гап фақат Степасда эмас. Бутун цех бошлаган ишни давом этдириш керак. Дануте, станокнинг албатта кучи етади, албатта етади!

Яна бирнеча кун ўтди. Заводдаги иш одатдагича давом этди. Ҳамма станокнинг синовдан ўтишини тоқатсизлик блан кутди. Степас бошлаган реконструкция бутун коллективнинг иши бўлиб қолди.

#### 4.

Кечаси блан ёмғир ёғди. Кўчалар, уйларнинг черепица блан ёпилган томлари, дарахтларнинг шохлари, Данге дар'ёси бўйидаги тошлар, кўприкнинг усти оппоқ қор блан қопланди. Крайпеда эртагача оппоқ қорга бурканди. Эрталаб кимсасиз кўчадан юриб заводга кетаётган Степас қорда чуқур из қолдирди. Степас Дануте яшайдиган уй ёнидан ўтиб кетаётганда устидаги қора курткасига қор тўкилди. Степас бошини кўтариб қаради. Клен дарахтининг шохида читтак ўйноқлар эди. У бошини эгиб ялтироқ қора кўзлари блан Степасга қарар, думи тинмай ликиллар эди. Степас ўзининг болалик чоқларини эслади: биринчи қор ёққан кезларда читтакни тутиш учун тузоқ қўяр эди. Бу ўйноқи қушлар тузоқ ёнига келиб бу қандай нарса экан деб албатта мўралаб қарар эдилар. Агар дон нарироққа сочиб қўйилса ҳам барибир тузоққа келиб тушадилар.

Степас Данутенинг деразаси тепасида чирқиллаб кўшиқ куйлаётган читтакка қараб жилмайди. Дануте ҳозир ухлаб ётгандир. Бир-бирлари блан кўришолмаганларига, заводдан биргалашиб қайтмаганларига, бир-бирлари блан маслаҳатлашмаганларига кўп вақт бўлди. Степас барибир уни ухлаётганини билармикин?

Кўприк устида оёқ изи жуда оз учрар, пиёдалар бундай эрта жуда кам юрар эдилар. Оппоқ қорга бурканган қирғоқ ёнида Дангенинг оқаётган суви қорайиб кўринади. Қиш дар'ёни ҳали ўз чодирига буркашга улгурмаган. Яқинда Данге музлайди, ана ўшанда Дануте блан бирга конькида сирпончиқ отса бўлади.

Степас заводга кираверишда қоровул Качинскасга дуч келди.

— Ҳаяжонланма! — деди у жилмайиб.

— Хафа бўлма, йигит, ишинг жойида бўлади, албатта жойида бўлади!

Степас ташаккур билдиргандек чолнинг қўлини қисди, сал титроқ товуш блан:

— Ҳаяжонланмаяпман. Раҳмат, ўртоқ Качинскас, раҳмат! — дедию, шу замоноқ яқиндагина мана шу қоровулни бува деб атаб юрганини эслади. У вақтларда Степас ёш бола эди.

Степас цехга кирди. Кечқурунданоқ яхшилаб тозаланган, мойланган станоклар қатор тизиб қўйилган цехга ойнаванд том орқали кўкимтир тонг ёғдуси қўйилмоқда. Степас комбинизонини кийди, станогини ёнига келиб электрини ёқди. Тошдек қаттиқ фундаментни ботинкасининг пошнаси блан тақиллатиб кўрди. Йўқ, дирилламайди. Совутиш трубкасини ушлаб кўрди. Ҳаммаси жойидага ўхшайди. Кеча синаб кўрилганда бир минутда тўрт юз метрга етган эди. Демак, беш юзга ҳам етказиш мумкин. Станок мустаҳкам. Лекин Степаснинг ўзи шундай тезликда ишлайолармикан? Резцыларни шундай қилиб қўйиш керакки, керак бўлганда ёнгинасида турсин. Заготовкларни шундай қўйиш керакки, битта ҳам ортиқча ҳаракат қилишга йўл қўйилмасин.

Степас ўз ишига шунчалик берилиб кетган эдики, ҳали гудок чалинмаган бўлишига қарамай цехга ишчилар тўлаётганини сезмай қолди.

Дабшис Степаснинг ёнига келди, орқасида туриб ёш токарънинг ҳаракатларини бироз кузатди-да, ниҳоят:

— Ишлар қалай? Қандай тезликда ишламоқчисан? — деб сўради.

Степас қўли банд бўлгани учун бошини силкиди, ишонч блан жавоб берди:

— Бир минутда беш юз метр!

— Яша! — деди Дабшис. — Станокларимиз қанчалик иш кўрсатолишини кўрсатиш керак.

Қари токарълардан бири, Жигаш ҳам келди, станокни қараб чиқди, тайёрлаб қўйилган заготовклар ёнига қўйилган резецларни кўриб:

— Яша, Толутис!—деди.

Цех шов-шувга тўлган эди. Токарълар бир-бирлари блан бахслашар, ҳаммалари Степас беш юз метр тезликда ишлай олармикан деб қизиқар эдилар. Ахир Степас токарълар ичида энг ёшию нималарни ўйлаб чиқарди-я.

Завод гудоги чалинди. Шов-шув тинди, лекин жимлик фақатгина бир минут давом этди. Токарълар станокларига ток уладилар, моторлар гувуллади, темир қийқимлари жаранглади.

Степас ҳам бошқалар блан баравар станогини улади. У дарров юқори тезликни улайқолмади. У тезликни аста-секин оширабошлади. Станокда истаган тезлигида ишлайолишини бутун вужуди блан сизди. Уч юз метр. Тўрт юз. Беш юз. Резец титрамайди, металл уваланмайди, қириндилар ишланаётган деталь устидан тўкилади.

Степас кучига куч қўшилганини, вазифасини уdda қилаолишини, станокни борган сари кўп деталь ишлаб чиқарадиган қилаолишига кўзи етаётганини сизди.

Степас детальни олмоштира туриб Дабшисга кўз қирини ташлади.

Бирдан Степас Дабшис ёнида турган инженер Маюсга кўзи тушиб қолди. Маюснинг қиёфаси жиддий кўринар:

Толутис, бу ишнинг уддасидан чиқолармикансан, деягандай бўлар эди.

Орадан уч соат ўтди. Ёш токарънинг станогни минутага беш юз метр тезликда ишлар эди. У мана шу тезликка анчагина ўрганиб ҳам қолди. Степас ўзини ҳам, станогини ҳам шу темпга кўникишга мажбур қилди, бундан ташқари цехдаги барча станокларни ҳам бўйинсундирди; энди улар ҳам шу тезликда ишлайдиган бўлади. Ишлабчиқарилган детальлар зўр оқимдек тошади.

Овқат вақтида токаръ ва усталар Степасни ўраб олишди. Ҳаммалари табриклаш учун ошиқар эдилар. Инженер Маюс келди. Қувончи юзида порлар эди.

Инженер ишчилар эшитиладиган. даражада овозини кўтариб:

— Ўртоқ Толутис, бўлгани шу экан деб ўйламанг! — деди. У оқ тушган қуюқ қошларини чимириб давом этди:—Станокни минг метр тезликда ишлашга мажбур қиламиз. Бу ишда ҳам намуна бўларсиз деб ўйлайман.— У Степаснинг қўлини қаттиқ қисди. Кейин елкасига қўлини қўйди.

Степас цех эшиги ёнига тўпланган одамлар ичида Данутени кўриб қолди. У Данутега қараб жилмайди. Дануте унинг ёнига келди, Степас унинг қўлини ўзининг кичкина қўллари блан қисди-да:

— Степас, ўйлаган мақсадингга етдинг! — деди.

Степас унинг кўмкўк кўзига қаради. Лекин Дануте унинг қўлини яна бир марта қисди-да, дугоналари ёнига кетди. Унинг олтин сочлари эшик ёнида лип этиб ўтиб кетди. Худди қуёш соч толалари блан ўйнагандай бўлди.

... Кечқурун Степас блан Дануте заводдан бирга қайтдилар. Степас Данутенинг қўлидан ушлаб борар, перчатка устидан ҳам унинг қўлининг ҳароратини сезаётгандай бўлар эди. Улар Малкага дарров етиб олмаслик учун секин-секин юрар эдилар.



— Дануте, ўшанда заводдан кетаман деб, ҳазиллашган эдим, — деди Степас жилмайиб.

— Ҳазил дейсанми? — Дануте унга қараб қўйди.

— Ҳа. — Степас ўшанда заводдан кетмоқчи бўлмаганига, ўз таклифига ишончи комил эканига ҳозир ўзи ҳам ишонди.

Дануте кулиб юборди.

— Степас, инженер ёнига бормайман деб, мен ҳам ҳазиллашиб айтган эдим.

— Ҳазиллашиб дейсанми?

— Ҳа.

— Сен доимо шунақасан, — Дануте.

Эртаси кун эрталаб Степас қизни дарвоза тагида кутиб турди. Энди Степас блан Дануте заводга ҳам бирга борадиган бўлишди.


1949 йил.



## МУНДАРИЖА

<i>Людас Гира</i> . ЛССР. <i>Ҳ. Фулом</i> таржимаси . . . . .	5
" " Озод Вильнюс. <i>Ҳ. Фулом</i> таржимаси . . . . .	6
" " Берлинга элтадиган йўл. <i>Ҳ. Фулом</i> таржи- маси . . . . .	—
<i>Адомас Ластас</i> . В. И. Ленинга ҳайкал. <i>Ҳ. Фулом</i> таржимаси . . . . .	8
<i>Петрас Вайчиюнас</i> . Бошлай бергил саодат томон. <i>Ҳ. Фулом</i> таржимаси . . . . .	10
<i>Винцас Миколайтис</i> <i>Путинас</i> . Унинг номи. <i>Ҳ. Фулом</i> таржи- маси . . . . .	11
<i>Бутку Юзе</i> . Ғалаба таронаси. <i>Ҳ. Фулом</i> таржимаси . . . . .	13
<i>Соломея Нерис</i> . Москва. <i>Ҳ. Фулом</i> таржимаси . . . . .	14
<i>Антанас Венулова</i> . Тўнғич. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	15
<i>Антанас Бенцлова</i> . Тинчлик учун. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	18
<i>Ионас Шимкус</i> . Бахт. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	21
<i>Валерий Бальсюнене</i> . Ленин — Сталин партияси. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	23
" " Бинокор. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	24
" " Колхозчи онага. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	25
<i>Костас Корсокас</i> . Совет Литваси. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	27
<i>Витаўтас Сириос</i> <i>Гира</i> . Сталин сўзи. <i>А. Мухтор</i> таржимаси Черняховский майдонида. <i>А. Мухтор</i> таржимаси . . . . .	29
<i>Стасис Заянчкаускас</i> . Қўшчи оғамга. <i>М. Бобоев</i> . таржимаси . . . . .	31
<i>Альбинас Жукаускас</i> . Ғалаба қўшиғи . . . . .	33
" " Янги қишлоқ . . . . .	34
<i>Алексис Хургинас</i> . Янги уй. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	35
" " Литва. <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	36
<i>Евгенияс Матузьявичюс</i> . Ҳилпирангиз, байроқлар! <i>М. Бобоев</i> таржимаси . . . . .	38

<i>Элуардас Межелайтес.</i>	Вақт. М. Бобоев таржимаси . . . . .	39
"	Меҳнаткаш дўстимга. М. Бобоев таржи- маси . . . . .	40
<i>Владас Мозурюнас.</i>	Доҳи номи блан . . . . .	42
"	Болалар. М. Бобоев таржимаси . . . . .	43
"	Парторг. М. Бобоев таржимаси . . . . .	44
<i>Ионас Лапашинскас.</i>	Қаҳрамоннинг образи. Ҳ. Фулом таржи- маси . . . . .	46
<i>Петрас Цвирка.</i>	Қардошлиқ уруғлари. В. Рўзиматов таржи- маси . . . . .	48
"	Булбул. В. Рўзиматов таржимаси . . . . .	55
<i>Юстас Палемонас.</i>	Нур сочмоқда ва сочажак! В. Рўзиматов таржимаси . . . . .	62
<i>Юозас Паукштелис.</i>	Ватанимда. Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	70
<i>Юозас Грушас.</i>	Тарадуддан сўнг. Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	79
<i>Александр Баужа.</i>	Заводда. Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	87



33724